БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

7-ЙИЛ ЧИҚИШИ
№ 222 (1742)
7 НОЯБРЬ ДУШАНБА 1960 ЙИЛ
БАҲОСИ 20 ТИЙИН.

Инсоният тарихида янги давр — капитализмнинг емирилиши ва социализмнинг тантанаси даврини очиб берган Улуғ Октябрга шон-шарафлар!

Марксизм-ленинизм байроғи остида, Коммунистик партия раҳбарлигида коммунизм ғалабаси сари, олға!

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги

1960 йил 6 ноябрда Москва Советининг тантанали мажлисида ўртоқ Ф. Р. КОЗЛОВ доклади

Қадрли ўртоқлар!

Хурматли чет эллик меҳмонлар!

Нурли ва шодиёна байрам — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги куни келди. Бизнинг қардошларимиз — қудратли социализм лагеридаги халқлар, барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари, бутун илғор инсоният бу байрамни совет кишилари билан биргаликда нишонлайдилар.

Ўртоқлар, Улуғ Октябрнинг 43 йиллигини биз билан биргаликда нишонламоқ учун Москвага келган ва шу залда ҳозир бўлган социалистик мамлакатлар делегациялари раҳбарлари ва аъзоларини, қардош коммунистик ва ишчи партияларнинг раҳбар арбобларини, барча меҳмонларни КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукумати, бутун совет халқи номидан, тантанали мажлисимизнинг қатнашчилари номидан қизғин табриклашим учун ижозат бергайсиз.

Марксизм-ленинизм ғолиб байроғини баланд кўтариб бораётган ва Октябрь революциясининг улуғ ишини давом эттираётган барча қардош коммунистик ва ишчи партияларга чет эллик азиз дўстларимиз орқали самимий салом йўллашга, ер юзидаги барча меҳнаткашларга, барча оддий кишиларга, тинчлик, демократия учун, миллий озодлик учун, социализм учун курашаётган ҳамма кишиларга қизғин салом йўллашга ижозат бергайсиз.

Ўртоқлар!

Биз Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йиллигини тантанали вазиятда нишонлаганимизда, ҳар сафар ҳар биримизнинг қалбимиз совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида кўрсатган мислсиз қаҳрамонлиги учун ифтихор туйғулари билан тўлиб тошади, олға қараб қилаётган шиддатли ҳаракатимизнинг яна бир йилида қўлга киритилган буюк ғалабаларни кўрган чоғда қалбимиз шодлик туйғулари билан тўлиб тошади.

Мамлакатимизда коммунизм қурилишининг КПСС XXI съезди чизиб берган улуғвор программаси муваффақиятли амалга оширилаётганлигини бутун дунё кўриб турган ҳозирги пайтда, улуғ халқимиз учун, гўзал Ватанимиз учун, Ленинчи Коммунистик партия учун юксак ифтихор туйғулари қалбимиздан айниқса чуқур жой олади.

Инсониятнинг буюк ақл эгалари коммунизм муқаррар тантана қилажагини олдиндан башорат қилиб айтган эдилар. Эндиликда коммунизм бизнинг мамлакатимизда меҳнаткашларнинг нуроний орзу ва тилакларидан воқеликка айланмоқда. Совет давлатининг 43 йил ичидаги тараққиётининг, ўз мамлакатининг эгаси ва ўз тақдирининг эркин ва онгли ижодкори совет халқининг 43 йил мобайнида қилган қаҳрамонона меҳнатининг асосий якуни шундан иборат.

Октябрь революцияси янги тарихий даврни — бутун дунё миқёсида капитализмнинг емирилиш ва социализм ҳамда коммунизмнинг тантана қилиш даврини бошлаб берди. Улуғ Октябрнинг олижаноб идеялари ер юзининг ҳамма қисмидаги меҳнаткашларни ва эксплуатация қилинувчиларни ўзларининг азалий душманларига — золимларга қарши курашга илҳомлантирмоқда: бу идеялар ёлланган қуллик системаси — капиталистик тузумини таг-томири билан ларзага келтирди.

1917 йил Октябрда вужудга келган Совет давлати кўп йиллар мобайнида капиталистик қуршов шароитида социализм қурди ва шу билан бирга, империалистларнинг қутуриб қилган ҳамлаларини даф қилиб келди. Иккинчи жаҳон урушида империализмнинг энг реакцион кучлари тор-мор қилиниб, бу уруш ғалаба билан тамомланганидан кейин жаҳонда жуда катта тарихий аҳамиятга эга воқеалар бўлди. Совет Иттифоқи кетидан социализм йўлига Европа ва Осиёдаги бир қанча мамлакатлар ҳам ўтиб олдилар. Ҳозирги вақтда қудратли социализм лагери бир миллиарддан кўпроқ кишини — инсониятнинг учдан бир қисмидан кўпрогини ўз сафларида бирлаштирмоқда. Миллий озодлик ҳаракатининг зарбалари билан шармандали мустамлакачилик системаси узил-кесил емирилмоқда; кўпгина мустамлака ва қарам мамлакатларнинг халқлари миллий мустақилликка эга бўлдилар. Империализмнинг таъсир доираси эндиликда анча қисқарди. Октябрь идеялари юз миллионларча кишиларга озодлик ва бахт келтирди. Бу идеялар бутун инсониятга озодлик ва бахт-саодат бағишлайди.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бошлаб берган давр капитализмдан социализмга ўтиш даври замонамизнинг асосий мазмунидир.

Планетамизнинг ҳамма қисмидаги миллионларча кишилар мустаҳкам тинчлик бўлишини таъминлаш, ёппасига ва батамом қуролсизланиш, мустамлакачиликни тугатиш каби энг муҳим социал-сиёсий проблемаларни ҳал этиш имкониятини Совет Иттифоқи билан, бутун социалистик лагерь билан, коммунизм идеялари билан боғламоқдалар. Бизнинг Совет мамлакатимиз тинчликнинг жарчиси ва ҳимоячиси бўлиб майдонга чиқмоқда, барча халқларнинг умид-орзуларини ифода этмоқда, тараққиёт байроғини зўр ишонч ва қатъият билан кўтариб бормоқда. Социализм ва коммунизм йўли — ижтимоий тараққиётнинг бирдан-бир тўғри йўли бўлиб, меҳнат аҳлини қирғинчилик урушларидан халос қилади, юксак моддий фаровонлик ва чинакам эркинлик келтиради, деган фикр халқларнинг онгига тобора чуқур сингиб бормоқда.

Совет Иттифоқи барча меҳнаткашларнинг, барча тинчликсевар халқларнинг ҳаётий манфаатларини сабот ва изчиллик билан ҳимоя қилишдан иборат ўзининг юксак интернационал бурчини шараф билан бажариб келмоқда. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясида совет делегацияси ва унинг раҳбари ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг қилган ажойиб ишлари бунинг ёрқин исботидир.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг, шунингдек бир қанча социалистик мамлакатлар атоқли давлат арбобларининг ана шу сессия ишида актив қатнашганликлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясини халқаро миқёсда жуда катта аҳамиятга эга бўлган бир воқеага айлантирди. Ёппасига ва батамом қуролсизланиш, мустамлакачиликни тугатиш ва барча халқлар ҳамда мамлакатларга мустақиллик бериш каби масалаларни Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилиш зарур эканлиги тўғрисидаги совет таклифлари, шунингдек бошқа таклифларимиз социалистик мамлакатлар ва бир қанча бетараф мамлакатларнинг делегациялари томонидан қизғин маъқулланди. Бу тамомила табиий бир ҳол: СССР ҳозирги авлод ва келажакдаги авлодларнинг тақдири учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган ҳозирги халқаро ҳаётнинг энг зарур проблемаларини муҳокамага қўйди. Соф ҳаво Бирлашган Миллатлар Ташкилоти деворлари оша кириб, унинг залларини бузуқ ҳаводан тозалади.

Никита Сергеевич Хрушчев революцион жўшқинлик ва ишимизнинг ҳаққонийлигига буюк ишонч билан тўлиб тошган ўз нутқларида халқларни алдаётган империалистларнинг ниқобини йиртиб ташлади ва уларнинг тинчликка душман бўлган позициясини фош қилди. Империалистлар ва уларнинг малайлари коммунизм мантиқи ва ҳақиқатининг рад этиб бўлмайдиган кучини ўз юртларида ҳис қилиб. дод-фарёд қила берсинлар ва ўзларини ҳар ёнга ура берсинлар. Совет Иттифоқи, социализм ва прогресс кучлари империализм кучлари устидан яна бир муҳим маънавий-сиёсий ғалаба қозондилар, миллионларча янги дўстлар орттирдилар. Бу — Октябрнинг ҳаётбахш идеялари билан суғорилган ленинча ташқи сиёсатимизнинг қонуний натижаси бўлди. В. И. Ленин замонасидан буён бу сиёсат ҳеч қачон бунчалик актив ва бунчалик мақсадга мувофиқ бўлмаган эди.

Барча совет кишилари, социалистик мамлакатларнинг халқлари, бутун прогрессив инсоният совет делегацияси ва унинг бошлиғи ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясидаги фаолиятини қизғин қўллаб-қувватладилар.

Совет халқи, бизнинг партиямиз СССРнинг қудратини, социалистик лагернинг, халқаро ишчи ва коммунистик ҳаракатнинг бирлиги ва куч-қувватини бундан буён ҳам мустаҳкамлаб боришни барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари олдида ўзининг интернационал бурчи деб биладилар. Бизнинг халқимиз ва унинг жангларда ҳамда меҳнатда синалган авангарди — шонли коммунистлар партияси ўзининг бутун кучини бундан буён ҳам коммунизм улуғ ишига, бутун дунёда тинчлик учун курашга бағишлайдилар.

КОММУНИЗМНИНГ ҚУДРАТЛИ ОДИМИ

Ўртоқлар!

Улуғ Октябрь идеялари нури билан порлаган ҳаётимизнинг яна бир йили ўтди. Бу — совет халқи янги жуда катта муваффақиятларга эришган йил бўлди. Ҳозир ҳаммамиз мамнуният билан айта оламизки, бизнинг ички аҳволимиз ҳеч қачон бунчалик мустаҳкам ва бунчалик истиқболли бўлмаган эди. Н. С. Хрушчев мамлакатимизнинг ҳаётини қисқа, лекин жуда батафсил таърифлаб берди. «Бизнинг Совет Иттифоқимизда, — деди у, — зарур нарсаларнинг ҳаммаси мавжуддир. Мамлакатимиз бой, экономикамиз гуллаб-яшнамоқда. Биз халқимизнинг турмушини юксак даражага кўтаришга ҳаракат қилмоқдамиз. Бизнинг истиқболимиз жуда яхши. Бошқа халқлардан биз учун дўстликдан бошқа ҳеч нарса керак эмас. Халқнинг эҳтиёжларини қондириш учун зарур бўлган нарсаларнинг ҳаммаси бизда бор».

Пролетар революциясининг ғалабасидан кейин ўтган 43 йил чўққиларида туриб, мамлакатнинг ана шу бир неча ўн йиллар мобайнида босиб ўтган йўлининг қийинлигини ва ғалабаларимизнинг улуғворлигини яққол кўриб турибмиз.

Ёш Совет республикаси тинч социалистик қурилишга эндигина қадам қўйган даврда Коммунистик партия ва давлатимизнинг улуғ йўлбошчиси ва асосчиси В. И. Ленин мамлакат экономикасининг қолоқлиги тўғрисида, мамлакатнинг жуда катта ерларида патриархалчилик, ярим ёввойилик

ва ўтакетган ёввойилик ҳукм сурганлиги тўғрисида алам билан гапирган эди. Қадрдон Ильичимиз Совет Россиясининг ҳақиқатан ҳам қудратли ва фаровон Русьга айланиши муқаррар эканлигини донишмандларча башорат қилган эди.

Лениннинг башорат қилиб айтган гаплари рўёбга чиқди. Коммунистик партиянинг донолиги ва зийраклиги, унинг тўғри раҳбарлиги, қаҳрамон ишчилар синфининг, шонли колхозчи деҳқонларнинг ва халқ зиёлиларининг кунт билан қилган меҳнати ва фидокорона кураши билан ўтган йиллар Ватанимизни қудратли социалистик давлатга айлантирди.

Мамлакатимиз Улуғ Октябрнинг 43 йиллигини жуда катта муваффақиятлар билан кутиб олди. Бизда коммунизм сари қилаётган ҳаракатимизнинг суръатларини жадаллаштириш учун социалистик тузумнинг битмас-туганмас имкониятларидан фойдаланиш ленинча сиёсати оғишмай ва изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу сиёсат партия XXI съездининг тарихий қарорларида, СССР халқ хўжалигини ривожлантириш етти йиллик планида, КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг саноат ва қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш ва уларга раҳбарлик методларини такомиллаштириш соҳасида, техникани янада тез тараққий эттириш ва халқ фаровонлигини ошириш соҳасида кўрган бир қанча йирик тадбирларида ўзининг мукаммал ифодасини топди.

Етти йилликнинг иккинчи йили тамом бўлай деб қолган ҳозирги пайтда ана шу улуғвор планни бажариш йўлидаги умумхалқ курашининг баъзи якунларини тўплаш мумкин.

Етти йиллик план саноат маҳсулотининг ўртача йиллик ўсишини 8,6 процент миқдорида белгилаган эди. Ҳақиқатда эса, 1959 йилда бу ўсиш 11 процентдан кўпроқ бўлди. Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ҳам ўтган йили топшириқни яхши бажардилар. Бунинг натижасида совет жамиятининг моддий-техника базаси кенгайди ва мустаҳкамланди, моддий ресурсларимизни анча кўпайтириш имконияти туғилди.

Етти йилликнинг иккинчи йили учун етти йиллик планда мўлжалланганидан каттароқ топшириқлар белгиланган эди. Йил ҳали тамомланмаган бўлса ҳам, ана шу оширилган топшириқлар ҳам оширилиб бажарилади, деб айтишга тўла асос бор. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида саноатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 103 процент бажарилди. Етти йилликнинг контроль рақамлари мўлжалича 1959 — 1960 йилларда мамлакат саноатининг маҳсулоти 17 процент ортиши керак эди. Амалда эса, бу ўсиш қарийб 23 процентни ташкил этади ва биз икки йил ичида етти йиллик планда мўлжалланганига нисбатан тахминан 120 миллиард сўмликдан кўпроқ саноат маҳсулоти ишлаб чиқарамиз. 1960 йилда бир мингдан кўпроқ янги йирик саноат корхоналари ишга туширилади. Шундай қилиб, биз етти йилликнинг учинчи йилига келиб, қўшимча равишда кўпроқ резервларга ҳам эга бўламиз.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг эришган муваффақиятлари ҳаммамизга яхши маълум. Кейинги олти йил мобайнида бизда қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг умумий ҳажми бир ярим баравар кўпайди. Колхоз ва совхозлар ишлаб чиқаришни янада ўстиришга интилиб, 1960 йилда ҳосил етиштириладиган экин майдонларини яна 7 миллион гектар кўпайтирдилар. Шу нарсани кувонч билан айтиб ўтиш керакки, мамлакатимиз ҳозирги вақтда колхоз ва совхозлардан дон ва техника экинларининг бутун товар маҳсулотинигина эмас, балки чорвачилик товар маҳсулотининг ҳам жуда кўп қисмини олмоқда.

Колхозчилар ва совхоз ишчилари бу йил ҳам зўр ғайрат билан меҳнат қилдилар. Бу йил об-ҳаво шароити жуда ноқулай келганлигини айтиб ўтиш керак: жанубий районларда кузги экинларнинг бир қисми совуқ уриши ва қаттиқ шамоллар эсиши натижасида нобуд бўлди, Қозоғистонда ва Сибирда кўклам фаслининг чўзилиб кетганлиги ва ёз фаслининг совуқ келиши халақит берди. Лекин шунга қарамай, давлат йўли билан дон харид қилиш ўтган йилдагидан камаймайди, қанд лавлаги, кунгабоқар ва сабзавот эса ўтган йилдагидан кўпроқ харид қилинади. 6 — 7 йил илгари об-ҳаво шароитининг ноқулай келиши ғалла балансимизга, аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашга ёмон таъсир кўрсатар эди. Эндиликда бундай ҳоллар йўқ. Биз эндиликда табиат стихиясига бир неча йиллар аввал бўлганидек унча қарам эмасмиз. Бу — партиянинг қишлоқ хўжалигини кескин суратда юксалтириш, колхоз тузумини янада мустаҳкамлаш соҳасида кўрган тадбирлари жуда яхши натижа берганлигини яққол исбот этади.

Партиямизнинг Марказий Комитети ва Совет ҳукумати мамлакатимизнинг озиқ-овқат ва саноатнинг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини йил сайин узлуксиз ва тобора кўпроқ миқдорда олиб туриши учун бундан буён ҳам тинмай ишлайдилар. КПСС Марказий Комитетининг декабрь ойида чақириладиган навбатдаги Пленуми қишлоқ хўжалигини ривожлантириш масалаларини батафсил муҳокама қилади, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни янада кенгайтириш учун кураш йўлларини белгилаб беради.

Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллигини ва КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумини муносиб кутиб олишга тайёрланиб, кўп шонли ғалабаларга эришдилар.

Кеча ҳаммамиз РСФСР қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг катта муваффақиятларга эришганликлари тўғрисидаги хабарни ўқидик. Улар давлатга ғалла топшириш планини бажардилар ва Ватанимизнинг ғалла омборларига 1 миллиард 801 миллион пуд, ёки бутун 1959 йилдагидан 158 миллион пуд кўпроқ дон тўкдилар. Шу нарсани кувонч билан айтиб ўтиш керакки, ана шу товар ғалланинг 1 миллиард 89 миллион пуди қўриқ ва бўз ерлардан олинди. Россия Федерациясидаги колхоз ва совхозлар бу йил ўтган йилдагидан 3,2 баравар кўпроқ маккажўхори сотдилар, гўшт сотиш йиллик планини муддатидан илгари бажариб, давлатга 1959 йилнинг шу пайтидагига нисбатан 281 минг тонна кўпроқ гўшт топширдилар. Барча совет кишилари Россия Федерацияси халқларининг ана шу ажойиб муваффақиятлари билан фахрланмоқдалар!

Белоруссия ССР қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари давлатга ғалла, гўшт, сут ва тухум сотиш планини муддатидан олдин бажардилар. Республикада ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 122 минг тонна кўп сут тайёрланди, картошка харид қилиш эса бутун 1959 йилдаги картошка харид қилиш ҳажмидан 350 минг тонна ортиқ бўлди. Биз ҳаммамиз белорус халқининг бу муваффақиятларини зўр мамнуният билан қайд қиламиз.

Ватанимизнинг бошқа республикалари ҳам қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда кўпгина муваффақиятларга эришдилар.

1960 йил илм-фан соҳасидаги янги муваффақиятлар ва кашфиётлар билан нишонланди. Оғир космик кеманинг тирик жониворлар билан космосга учирилганлиги ва унинг Ерга қайтариб туширилганлиги ана шу муваффақиятларнинг энг каттасидир. Совет олимлари, инженерлари, ишчиларининг ана шу ажойиб қаҳрамонлиги илм-фаннинг кўп соҳаларида совет фанининг устунлигини яна ва яна бир марта тасдиқлади.

Совет фанининг атом энергиясидан тинч мақсадларда фойдаланиш йўлида эришган муваффақиятлари ҳаммага маълум. Ўта ўтказгич назариясида, акустика соҳасида, қаттиқ жисмнинг пишиқлиги ва жуда юқори босим физикаси соҳасида ҳам катта натижаларга эришилди. Кимёгарларнинг янги моддалар ва материалларни вужудга келтириш, авало, пўлатнинг ўрнини боса оладиган пластмассалар ва бошқа материалларни вужудга келтириш соҳасидаги ишлари жуда самарали бўлди.

Фан ва техниканинг ютуқлари эндиликда муҳим халқ хўжалиги вазифаларини илгари кўрилмаган қисқа муддатларда ҳал этишимиз учун имконият яратиб беради. Йирик мартенларни 5—6 ой ичида, домна печларини 8— 9 ой ичида қуриш оддий бир иш бўлиб қолди. Цемент заводларининг қурувчилари кучли айланма печлари бўлган комплекс технология линияларини 6—8 ойда қурмоқдалар.

Эндиликда биз гидроэлектростанциялар қурилишини анча тез суръатлар билан олиб бормоқдамиз. 4 ноябрда мамлакатимиз Днепрда эришилган ажойиб ғалабадан хабардор бўлди. Қурувчилар 625 минг киловатт қувватли Кременчуг гидроэлектростанциясини белгиланган муддатидан икки йил олдин ишга туширдилар. Бу билан улуғ Лениннинг мамлакатимизни электрлаштириш ҳақидаги васиятларини амалга оширишга янги ҳисса қўшилди.

Машинасозлик шахдам қадамлар билан олға бормоқда! Шундай бир мисолни келтириб ўтаман. Биз бундан бир неча йил муқаддам Волгадаги гидростанциялар учун 115 минг киловатт қувватли айланма-паррак турбиналар ишлаб чиқарилганлиги тўғрисида зўр ифтихор билан гапирган эдик. Ҳозирги вақтда машинасозлар Братск ГЭСи учун дунёда тенгги бўлмаган 225 минг киловатт қувватли радиал-ўқ турбинаси вужудга келтирдилар ва 500 минг киловатт қувватли гидротурбина яратиш соҳасида иш олиб бормоқдалар. Етти йилликнинг бир ярим йили мобайнида янги машиналар, станоклар, механизмлар, приборларнинг уч мингдан кўпроқ нусхаси вужудга келтирилди ва тайёрланди.

Фан, техника, саноат қурилиш соҳасида қўлга киритилган шубҳасиз катта муваффақиятлар ишлаб чиқариш қувватларини тезроқ ошира бориш ва бунинг натижасида саноат маҳсулотининг йиллик абсолют ўсишини кўпайтириш имкониятини вужудга келтирди.

Халқнинг маданий техника савияси тез юксалиб бораётганлиги, унинг коммунистик онгги ўсиб бораётганлиги сабабли ҳам, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш суръатлари тобора тезлашмоқда.

Совет кишилари ўз меҳнатига аввалгидан кўра бошқароқ, юксакроқ ўлчов билан қарайдилар. Улар ишлаб чиқаришнинг айрим участкалари орқада қолиб, ўз имкониятларидан паст даражада ишлаётганлигига тоқат қилишни истамайдилар. Шунинг учун ҳам ишлаб чиқаришнинг кўп новаторлари, тажрибали ташкилотчилар ўз ихтиёрлари билан қолоқ участкаларга ўтмоқдалар ва уларни илғор участкалар қаторига чиқармоқдалар. Коммунистик меҳнат ҳаракати кенг тус олиб, тобора ўсмоқда. Эндиликда кўп завод, фабрика, шахталар, нефть конлари, қурилишлар коммунистик меҳнат коллективлари деган фахрий ном олиш учун мусобақа қилишмоқдалар.

Бу фактларнинг ҳаммаси нимани кўрсатади? Бу фактлардан қандай хулосалар чиқариш мумкин?

Биринчидан, биз эндиликда совет кишилари етти йиллик планни муддатидан илгари бажарадилар, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Иккинчидан, Совет Иттифоқи капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада йил сайин фурсатдан тобора кўп ютмоқда ва биз тўла ишонч билан айтамизки, иқтисодий жиҳатдан энг тараққий этган капиталистик мамлакатларга тарихан жуда қисқа муддат ичида етиб оламиз ва улардан ўзиб кетамиз.

Совет Иттифоқи саноат ишлаб чиқариши ҳажми жиҳатидан дунёда кўпданоқ иккинчи ўринга чиқди ва фақат Америка Қўшма Штатларидангина кейинда қолмоқда. Аммо, биз шундай суръатлар билан олға бормоқдамизки, американиклар бунинг уддасидан чиқа олмайдилар. СССРда саноат ишлаб чиқариши урушдан кейинги 16 йил мобайнида ҳар йили ўрта ҳисобда 10,7 процент, АҚШда эса, 1,8 процент кўпайди.

Аммо, гап ўсиш процентларидагина эмас. Биз саноат маҳсулотининг йиллик абсолют ўсиши жиҳатидан ҳам, бу маҳсулотнинг умумий ҳажми жиҳатидан ҳам АҚШдан ўзиб кетишимизга аминмиз. Революциядан илгариги Россияда Қўшма Штатлардан саккиз баравар кам саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилган эди. Эндиликда СССР саноат ишлаб чиқаришининг ҳажми Америкадагига нисбатан тахминан 60 процентни, қишлоқ хўжалик маҳсулоти эса, 75 — 80 процентни ташкил этади. Совет Иттифоқи темир руда ва кўмир қазиб чиқариш, кокс, магистрал пассажир вагонлари, дон комбайнлари, ёғоч-тахта, жун газлама, сариёғ, қанд-шакар ишлаб чиқариш соҳасида АҚШдан ўзиб кетди. АҚШ саноатнинг бир қанча тармоқларида биздан ҳали олдинда турганлигини биламиз, албатта. Аммо, абсолют ишлаб чиқариш бўйича Американи орқада қолдирадиган маҳсулот «ассортиментимиз» йил сайин кенгая боради.

Олға қараб қилаётган ҳаракатимизнинг суръатлари, халқ хўжалигининг барча соҳаларида эришаётган муваффақиятларимиз капитализм билан иқтисодий мусобақадаги перспективалар биз учун жуда қулай эканлигига ҳеч шак-шубҳа қолдирмайди. Жаҳон миқёсидаги кучлар нисбатига ва социалистик тузумнинг чексиз имкониятларига ҳушёрлик билан баҳо берувчи ақли расо кишиларнинг ҳаммаси учун ҳам бу нарса тамомила аён бўлиб қолмоқда.

Аммо, капитализм адвокатлари орасида шак-шубҳасиз нарсаларни гумон остига олишга беҳуда уринган ўжарлар ҳали ҳам бор. Масалан, Америка Қўшма Штатлари президентлигига номзоди кўрсатилган Ричард Никсон яқинда Совет мамлакатидаги суръатларни Америка суръатлари билан таққослаб кўриш «бола организмининг ўсишининг катта ёшдаги киши ақлининг ўсиш суръатлари билан таққослаб кўришга ўхшайди», деди. Ҳақиқатан ҳам «Кимнинг меъдасида сафро бўлса, оғзи ҳамиша тахир бўлади» деган мақолда айтилганидек бўлибди. Жаноб Никсоннинг шўри шундаки, у образли, лекин ақлга асло тўғри келмайдиган таққослар кетидан қувиб, ўзи капалак овлашга «берилиб кетган» ва атрофидаги воқеалардан бехабар қолган болага ўхшаб қолибди. Жаноб Никсон шу нарса билан ҳисоблашишни истамайдики, соғлом, бақувват болалар кўпданоқ балоғатга етиб, шундай мардонавор қаҳрамонликларни амалга оширмоқдаларки, «ақли катта» деб аталган кишилар бундай ишларни қилишдан ожиздирлар.

Империализм малайларининг қорани оқ деб кўрсатиш йўлидаги кучанишларини фош қилиб, биз қуйидагиларни айтамиз: социалистик экономика — ёш, кучга тўлган ва соғлом организмдир, капиталистик экономика эса, мўнкиллаб қолган чолдирки, уни тузалмас касалликлардан ҳеч қандай дори-дармон билан сақлаб қолиш мумкин эмас.

Коммунизм — дунёнинг чинакам ёшлигидир, капитализм дунёнинг кечаги кунидир. Объектив ҳақиқат шундай, тарихнинг қонунияти ана шундай.

Дуруст, капиталистик давлат кемасининг капитанлари шу объектив ҳақиқатни тан олмайдилар, фактлар билан ҳисоблашишни хоҳламайдилар. Бу камлик қилганидек, улар ўзларини мард кишилар қилиб ҳам кўрсатмоқчи бўладилар. Лекин турмуш уларнинг шахтини қайтармоқда. Президент Эйзенхауэр январь ойида конгрессга юборган мактубида 1960 йил Қўшма Штатлар учун «мислсиз гуллаб-яшнаш» йили бўлади, деб айтган эди. Лекин Америка савдо-саноат доираларининг журнали «Бизнес уик» август ойидаёқ бир йил АҚШ экономикасининг бир қанча тармоқлари анча пасайиб кетганлигини эътироф қилишга мажбур бўлди ва «савдо-саноат соҳасидаги активлик Эйзенхауэр чизиб берган режага тўғри келмаганлиги»дан нолиди.

Американиклар СССРнинг пўлат эритишда Қўшма Штатларни тез қувиб етаётганлигидан айниқса ташвишланмоқдалар. Уларнинг шундай ташвишланишлари учун етарли асос бор, деб айтишимиз керак. Ахир, 1945 йилда Совет Иттифоқида пўлат ишлаб чиқариш Америкадаги пўлат ишлаб чиқариш даражасига нисбатан атиги 17 процентни ташкил этган эди. 1959 йилда эса АҚШда жами қанча пўлат эритилган бўлса, шунинг 71 процентни миқдорида пўлат эритдик. Пўлат ишлаб чиқариш мамлакат куч-қудратининг асосий кўрсаткичларидан бири эканлиги ҳаммага маълум-ку.

Бизнинг партиямиз, бутун совет халқи капитализм билан тинч иқтисодий мусобақада мамлакатимизнинг яқин келгусида ғалаба қозонажагига қатъий аминдирлар. Қоронғи тундан кейин тонг ёриши қандай муқаррар бўлса, мамлакатимизнинг ғалаба қозониши ҳам шундай муқаррардир.

Аммо, совет кишилари эришилган муваффақиятлар билан ҳеч қачон хотиржам бўлиб қолмайдилар, муваффақиятлар билан мағрурланиб кетмайдилар. Бизда эътиборни навбатдаги буюк вазифаларга қаратиш каби яхши одат бор.

Коммунистик партия ҳозирги вақтда саноатда ва қурилишда, колхоз ва совхозларда, транспортда, хуллас, халқ хўжалигининг барча соҳаларида сифат кўрсаткичларини оширишни биринчи галдаги вазифа тариқасида илгари сурмоқда. Бунда гап маҳсулотнинг сифати тўғрисидагина бормаётир. Ўз-ўзидан маълумки, совет корхонасининг маркаси ҳар қандай машина учун, ҳар қандай буюм учун мустаҳкам гарантия бўлмоғи керак. Мен сифат кўрсаткичлари тўғрисида кенг маънода гапирмоқдаман. Ялпи маҳсулот юзасидан план топшириқлари одатда тўла ва ошириб бажарилаётган ҳозирги пайтда меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулотнинг таннархини ва қурилишнинг қимматини камайтириш, жамғармаларни кўпайтириш, техникани тараққий эттириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва комплекс механизациялаш, капитал қурилишга ажратиладиган маблағлардан мақсадга энг мувофиқ фойдаланиш масалалари партия, совет, касаба союз ва хўжалик органларининг диққат марказида туриши лозим.

Биз қишлоқ хўжалигида барча экинлар ҳосилдорлиги ва чорвачилик маҳсулдорлигини ошириш, техникадан самаралироқ фойдаланиш учун, дон, пахта, сабзавот, гўшт, сутнинг ҳар бир центнерини тайёрлашга кетадиган меҳнат сарфини узлуксиз камайтириш учун бундан буён ҳам кураш олиб борамиз.

Ўртоқлар! Бизнинг партиямиз халқни Октябрь революциясига отлантирган чоғда, социализм ва коммунизмгина меҳнат аҳлининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини ҳар томонлама ва тўла қондиришни таъминлайди, деган эди. Биз шу мақсадни кўзда тутиб, заводлар, электростанциялар қурдик ва қурмоқдамиз, хўжалик қурилиши суръатларини тезлаштирмоқдамиз, маданиятнинг ҳамма соҳаларини ривожлантирмоқдамиз. Бу тадбирлар жуда яхши натижа бермоқда. Совет юртидаги ҳаёт тобора қувончли ва бахтли бўлиб қолмоқда.

Россияда социалистик революция ғалабасидан буён ўтган даврга назар ташлаганда революциянинг 43- йили бу жиҳатдан жуда характерлидир. Миллий даромадни ўстириш асосида СССР аҳолисининг реал даромадлари 1953 йилдан тортиб, 1960 йилгача бир ярим баравардан ортди. Барча ишчи ва хизматчиларни етти ва олти соатлик иш кунига кўчириш тугалланмоқда—1 ноябрдан бошлаб 50 миллионга яқин киши қисқартирилган иш куни неъматларидан фойдаланмоқда. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш тобора кўпайтирилмоқда. 1 октябрдан бошлаб ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқларни аста-секин бекор қилишга киришилди. Бизнинг Ватанимиз дунёда халқ турмушининг энг юксак даражасига эришиш йўлидан зўр ишонч билан олға бормоқда!

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати жамоат истеъмол фондларини ривожлантиришга алоҳида эътибор бермоқдалар. Бу — совет кишиларининг фаровонлигини оширишнинг энг муҳим, коммунистик йўлидир. Етти йилликнинг охирига келганда давлатнинг халқ маорифи, медицина хизмати, социал таъминот ва ижтимоий истеъмолнинг бошқа турларига сарф қиладиган маблағлари ишлаб турган бир ходим ҳисобига йилига тахминан 3.800 сўм ёки ойига 300 сўмдан кўпроқ бўлади. Бу эса, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақига, колхозчиларнинг даромадларига жуда катта «қўшимча» бўлади. Давлат уй-жой, мактаб, маданий-маиший ва медицина муассасалари қурилишига етти йилликнинг охирига келиб ишлаб турган ҳар бир ходим ҳисобига йилига 800 сўмдан кўпроқ маблағ сарф қилади.

Қуйидаги факт ҳам партия ва ҳукуматнинг совет кишисининг турмуш шароитини яхшилаш тўғрисида кун сайин ғамхўрлик қилаётганликларини кўрсатади: 1957 йилдан тортиб 1960 йилгача шаҳарларда ва ишчи посёлкаларида жами қарийб 300 миллион квадрат метр ҳажмида уй-жой қурилди. Буни таққослаб кўрмоқ учун революциядан илгари Россияда барча шаҳарлар ва ишчи посёлкаларида уй-жой фонди қарийб 180 миллион квадрат метр бўлганлигини айтиб ўтиш кифоядир.

(ДАВОМИ ИККИНЧИ БЕТДА).

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги

1960 йил 6 ноябрда Москва Советининг тантанали мажлисида ўртоқ Ф. Р. КОЗЛОВ доклади

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА).

Ўртоқлар! Экономика, маданият, фан ва техника соҳасида эришилган буюк муваффақиятларни ҳақли суратда қайд қилиб ўтамиз. Аммо, биз еримизда бўлган энг гўзал ва энг улуғвор нарсаларнинг ижодкори — совет кишиси билан янада кўпроқ фахрланамиз. Совет кишисининг ёркин маънавий дунёси, коммунизм ишига фидокорона садоқати, меҳнатга муҳаббати ва ҳурмати, коллективчилик социалистик тузум шароитидагина, ижодий қобилият ва талантларнинг гуллаб-яшнаши учун чинакам эркинлик мавжуд бўлган шароитдагина камолатга етиши мумкин эди.

Бизда буюк иқтисодий ўзгаришлар билан чамбарчас бирликда амалга оширилган қудратли маданий революция натижасида Совет мамлакатида саводли, билимдон кишилар авлоди ўсиб етишди. Биз кўп иқтисосдаги мутахассисларни, аввало, инженерларни тайёрлаш соҳасида кўпданоқ дунёда биринчи ўринга чиқиб олганмиз. Партия таълимни унумли меҳнат билан бирга қўшиб олиб бориш, ўрта ва олий маълумотли кишиларни моддий бойлик ишлаб чиқариш доирасига кўплаб жалб этиш йўлини ўтказиб келмоқда. Бутун халқимиз бу йўлни қўллаб-қувватламоқда. Ана шу чоралар жисмоний меҳнат билан ақлий меҳнат ўртасидаги муҳим тафовутларни йўқотишда катта натижалар бермоқда.

Партиянинг омма ўртасида олиб бораётган буюк тарбиявий ишларининг энг катта якуни шуки, бизнинг халқимиз марксизм-ленинизмни ўз дунёқараши сифатида қабул этди. Совет халқи партиянинг социализм ва коммунизм қуриш йўлини қалби ва жон-тани билан қабул қилди ҳамда ана шу қурилишни онгли суратда амалга оширмоқда.

Юз мингларча ёш ватанпарварларнинг қўриқ ерларни ўзлаштиришга, Шарқдаги янги қурилишларга ўз ихтиёрлари билан юриш бошлаганлари каби, кишиларнинг шундай буюк ирода ва руҳини қаерда, қайси буржуа мамлакатида кўриш мумкин? Бирга ишлаб турган ўртоғига беғараз ёрдам бериш каби одат бўлиб қолган қоидани қаерда кўриш мумкин? Кўпинча талайгина куч ва вақт талаб этадиган хилма-хил муҳим ишларни жамоатчилик тартибида бепул бажариш қаерда бўлиши мумкин? Фақат социалистик жамиятдагина бу одат кишиларнинг кундалик ҳаётига чуқур сингиб кета олади!

Ўртоқлар, Никита Сергеевич Хрушчевнинг Тамбов область «Глуховский» совхозининг чўчқабоқари, Совет Армиясининг собиқ майори Михаил Андреевич Лукашкинга юборган самимий табригини ҳаммангиз ўқиган бўлсангиз керак, албатта. Ўртоқ Лукашкин «фойдали» ва «осойишта» иш пайига тушмади, катта мансаб кетидан қувмади. У, моддий бойликларни вужудга келтираётган кишиларнинг шонли сафларидан ўз ихтиёри билан жой олди ва жуда яхши натижаларга эришди.

Бу факт ва шунга ўхшаш бошқа кўп фактлар совет кишисининг маънавий гўзаллигини, унинг жамият олдида катта жавобгарлик сезаётганлигини кўрсатиб турибди!

Халқни бундан буён ҳам коммунистик руҳда тарбиялаш, совет кишиларининг гарчи жуда оз қисмига бўлса ҳам ҳозирча таъсир кўрсатаётган ўтмишнинг сарқитларини сабот-матонат билан бартараф қилиш — идеология соҳасидаги ишимизнинг энг муҳим вазифасидир.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш, шу асосда коммунистик ижтимоий муносабатларни ривожлантириш, янги кишини шакллантириш ва тарбиялаш — коммунистик қурилишнинг ўзаро чамбарчас боғланган асосий вазифаларидир. Биз бу вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқдамиз. Бизнинг олдимизда улуғвор истиқболлар очилмоқда. Биз комил ишонч билан янги ғалабалар сари, олға бормоқдамиз!

ТИНЧЛИК УЧУН КУРАШ — ЗАМОНАМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Ўртоқлар! Улуғ Октябрь мамлакатимизда социализм барпо бўлишидан дарак берган эди, социализм эндиликда жаҳон системаси бўлиб қолди. Ҳозирги вақтда улуғ Хитой халқи, Албания, Болгария, Венгрия, Вьетнам Демократик Республикаси, Германия Демократик Республикаси, Корея Халқ Демократик Республикаси, Муғулистон, Польша, Руминия, Чехословакия халқлари марксизм-ленинизмнинг ғолиб байроғи остида Совет Иттифоқи билан биргаликда янги ҳаёт барпо қилмоқдалар.

Социализмнинг бир мамлакат доирасидан чиқиши меҳнат билан капитал ўртасида асрлар бўйи давом этган курашда эришилган жуда катта ғалабадир. Бу ғалаба бутун инсониятнинг сиёсий, иқтисодий ва ғоявий ҳаётини тамомила ўзгартириб юборди. Империализмнинг ҳамма жойда ҳукмронлик қилиш даври ўтиб кетди. Жаҳон социалистик системасининг вужудга келганлиги Улуғ Октябрь социалистик революциясининг ғалабасидан кейин жуда муҳим тарихий воқеадир. Жаҳон социалистик системаси эндиликда кишилик жамияти тараққиётининг ҳал қилувчи омили бўлиб қолмоқда.

Жаҳон майдонида империалистик давлатлар измидан итоатгўйлик билан боришни истамаётган давлатлар группаси ҳам вужудга келди. Мустамлакачиларга қарши қаттиқ курашда ўз мустақиллигига эришган ёки ана шу мустақиллик учун курашаётган Осиё, Африка, Латин Америкасининг халқлари халқаро ҳаётда тобора актив қатнашмоқдалар, империализм позицияларини заифлаштиришга ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

Монополистик капитал мамлакатларида ишчилар синфининг позициялари мустаҳкамланди. Марксчи-ленинчи партияларнинг таъсири кучайди. Ҳозирги вақтда бу партияларнинг сони 87 та бўлиб, уларда 36 миллион коммунист бор. Ишчилар синфи халқнинг ғоят кўпчилигини ўз теварагида жипслаштириш учун, реакцион, агрессив монополистик доираларни кураш давомида яккалаб қолдириш учун, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда янгидан-янги ғалабаларга эришиш учун ўз имкониятларини анча кенгайтирди.

В. И. Ленин илгари сурган ва асослаб берган сиёсат — турли ижтимоий тузумга мансуб давлатларнинг тинч-тотув яшаш сиёсати ҳозирги шароитда янада буюк ҳаётий кучга эгадир. Бу сиёсат ҳозирги ижтимоий тараққиётнинг талабларига ва дунёдаги кучларнинг реал нисбатига муносибдир. Бу сиёсат барча халқларнинг манфаатларига хизмат қилади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси марксизм-ленинизмни ижодий тарзда ривожлантириб, ўзининг XX съездида ҳозирги вақтда урушлар фатал равишда муқаррар эмас, урушнинг олдини олиш мумкин, деган жуда муҳим хулосага келди. Қардош коммунистик ва ишчи партиялар программа аҳамиятига эга бўлган ҳужжатда — социалистик мамлакатлар коммунистик ва ишчи партиялари вакилларининг 1957 йилдаги Москва кенгашининг Декларациясида бу хулосани якдиллик билан қўллаб-қувватладилар. Марксчи-ленинчи партиялар Бухарест кенгашининг Ахборотида Москва Декларациясининг қоидалари яна тасдиқланди.

КПСС XXI съездининг хулосаси марксча-ленинча назарияни тағин ҳам ривожлантиришдан иборат бўлди. КПСС XXI съезди «...Ер юзида социализм тўла ғалаба қилганига қадар дунёнинг бир қисмида капитализм сақланиб қолган ҳолда ҳам, жаҳон урушини жамиятнинг ҳаётидан чиқариб ташлашнинг реал имконияти вужудга келмоқда» деб эълон қилди. Бизнинг партиямиз шундай хулоса чиқарганида социалистик лагернинг янги муваффақиятлари бутун дунёда тинчликсевар кучларнинг тобора ўсишига олиб келади, тинчликни мустаҳкамлаш тарафдори бўлган мамлакатлар сони эса, кўпая боради, деган фикрга асосланди. Бизнинг партиямиз урушга йўл қўймаслик идеяси халқларнинг онгига тобора чуқур сингиб боришини ва халқларнинг социалистик лагерь куч-қудратига таяниб, империализмнинг урушқоқ доираларини янги урушлар бошлаб юбориш планларидан воз кечишга мажбур эта олажакларини эътиборга олди.

Воқеаларнинг бутун бориши коммунистларнинг анализи тўғри эканлигини тасдиқламоқда. Барча тинчликсевар кучлар қўллаб-қувватлаётган социалистик лагерь кейинги йилларда империалистик агрессорларнинг айрим жойларда уруш бошлаб юбориш йўлидаги уринишларига кўп марта зарба берди. Империализм ана шу урушлар орқали инсониятга янги жаҳон уруши таҳдидини солмоқда эди. Буларнинг ҳаммаси жаҳон социалистик системаси вужудга келганлиги ва социализмнинг муваффақиятлари туфайли, халқаро миқёсда кучлар нисбати социализм ва тинчлик тарафдорлари фойдасига тубдан ўзгарганлигини яққол исбот этувчи далилдир. Ҳозирги вақтда дунёда империалистик агрессорларни жиловлаб қўя оладиган реал кучлар вужудга келди. Империализм эндиликда уруш бўлиши ёки бўлмаслигини ўз хоҳишича ҳал этишдан ожиздир.

Марксчи-ленинчилар тинчлик учун кураш олиб борганлари ҳолда, империализм ҳали мавжуд экан, урушларнинг пайдо бўлиши учун сабаб ҳам сақланиб қолади, деб ҳисоблайдилар, албатта. Капиталистик монополияларнинг манфаатларини ифода этувчи реакцион кучлар уруш бошлаб юборишга уриниб кўришлари мумкин. Империализм агрессив куч бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, унинг бўри табиати ўзгарган эмас ва ўзгармайди. Шу сабабли, социалистик мамлакатлар, барча тинчликсевар кучлар ғоят ҳушёр бўлиб туришлари ва империалистлар уруш бошлашга журъат этар эканлар, уларга қақшатғич зарба бериш учун доимо тайёр бўлиб туришлари керак.

Тинчлик — ер юзида яшовчи барча халқларнинг асл орзусидир. Ҳозирги вақтда кишиларнинг янги қирғинчилик уруши хавфидан инсониятни халос қилишга интилишидан ҳам каттароқ тилаги йўқ.

Аммо, тинчлик учун кураш олиб бормай туриб, тинчликни мустаҳкамлаш мумкин эмас. Шу сабабли, социалистик давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини ўзи учун асосий йўл қилиб олган актив ташқи сиёсатни амалга оширишлари, барча тинчликсевар кучларни бундан буён ҳам сафарбар қилиш, халқларни ҳозирги вақтда янги жаҳон урушининг олдини олиш мумкин эканлигига ишониш руҳида тарбиялаш, — буларнинг ҳаммаси замонамизнинг энг зарур талабидир. В. И. Ленин: «...Биз халқларнинг уруш ва тинчлик масалаларига аралашуви учун ёрдам бермоғимиз керак» деган эди. Бизнинг партиямиз Лениннинг ана шу васиятига коммунистларга хос изчиллик ва сабот билан амал қилиб келмоқда.

Бизнинг партиямиз тинчлик учун курашгани ҳолда, В. И. Лениннинг ғалаба қилган социализм хўжалик соҳасидаги муваффақиятлари билан инсониятнинг тақдирига асосий таъсир кўрсатади, деган йўл-йўриқларини ҳам яхши эсда тутади. Бу муваффақиятларни тинчлик шароитдагина кўпайтира бориш мумкин. Капитализм билан тинч иқтисодий мусобақа давомида социализм, шубҳасиз, ҳал қилувчи иқтисодий ғалабага эришади, ўз мамлакатларининг халқлари учун ҳозирдагидан юксакроқ турмуш даражасини таъминлаб беради. Бу эса, ижтимоий системамизнинг устун эканлигини ҳозирдагидан кўра кўпроқ намойиш қилади, бутун дунё халқларининг капитализмга қарши, социализм учун олиб бораётган курашида уларни илҳомлантирувчи ғоят қудратли намуна бўлиб хизмат қилади.

Ўртоқлар! Ҳаммамиз Совет ҳукуматининг тинчликни ҳимоя қилиш йўлида қатъий ҳаракат қилаётганлигини кўриб турибмиз.

Совет Иттифоқи ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисидаги таклифларни амалга ошириш учун сабот билан курашиб келди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси ўтган йили бу таклифларни қўллаб-қувватлаган эди. Совет ҳукуматининг ёппасига ва батамом қуролсизланиш учун курашда изчиллик билан ҳаракат қилиб келаётганлиги натижасида Ўнлар комитети ташкил этилди. Биз бу Комитет қуролсизланиш ҳақидаги музокараларда пайдо бўлган ғовларни бартараф қила олади, деб умид қилган эдик. Шу йилнинг январь ойида мамлакатимизда Совет Қуролли Кучларининг яна 1 миллион 200 минг кишига қисқартириш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Кўп давлатлар билан иқтисодий муносабат ва маданий алоқалар кенгайтирилди. Биз иқтисодий жиҳатдан кам тараққий этган мамлакатларга беғараз ёрдам беришни давом эттира бердик.

Ўртоқ Н. С. Хрушчевнинг ўтган йили АҚШга қилган визити каби Шарқи-Жанубий Осиё мамлакатларига ва Францияга қилган сафарлари ҳам социалистик мамлакатларнинг сиёсати ҳақида тўғри фикрларни ёйишга ёрдам берди, халқаро муҳитни соғломлантиришга, империализмнинг макрли ниятларини фош қилишга ёрдам берди, юксак доирада кенгаш ўтказиш учун қулай шарт-шароит вужудга келтирди.

Аммо, тинчлик ишининг мустаҳкамланиши халқаро муносабатларни халқлар учун мақбул шаклда ривожлантиришни истамаётган империалистик доираларга ёқмади. АҚШ ҳукумати зўр бериб қуролланишдан жуда кўп фойда ундириб олаётган монополияларнинг тазйиқи остида мамлакатимизга қарши, тинчлик ишига қарши очиқдан-очиқ иғвогарлик йўлига ўтди. Американинг ҳаво қароқчилари совет осмонига бостириб кирдилар. Шу билан бирга, Эйзенхауэр ва Америка ҳукумати гўё ўз «хавфсизликлари»ни таъминлаш учун мамлакатимизнинг суверенитетини бузишга «ҳаққимиз бор», деган гапларни сурбетларча айтдилар. АҚШ ҳукумати бизга жосус самолётларни юбориб ва ана шундай босқинчилик актлари учун айбли эканлигини ҳалол бўйнига олишни истамай, юксак доирадаги кенгашни барбод этди. Ғарб мамлакатлари ҳеч йўл қўйиб бўлмайдиган ғовларни вужудга келтириб, қуролсизланиш тўғрисида жиддий музокаралар олиб боришни истамаганликлари натижасида, социалистик мамлакатларнинг Ўнлар комитетида бундан буён иштирок қилишлари мумкин бўлмай қолди. Империалистлар зўр бериб қуролланишни, ҳарбий тайёргарлик ваҳимасини авж олдирмоқ учун иғвогарлик мақсадида «совуқ уруш»ни яна кучайтириб юбордилар.

Аммо, империалистлар халқаро муносабатларда бундай йўлдан ҳеч қандай яхшилик кутолмайдилар.

Биз агрессорларнинг урушқоқлик руҳидаги кирдикорларидан қўрқмаймиз, албатта. Империалистларнинг ўз айтганларини бажартириш сиёсати ишлатилган вақтлар ўтиб кетган. Эндиликда куч бизнинг томонимиздадир. Совет Иттифоқининг, социалистик лагердаги барча мамлакатларнинг меҳнаткашлари ўз давлатлари экономикасининг қудратини ривожлантириш соҳасида, ўзларининг мудофаа қувватини мустаҳкамлаш соҳасида яхши ишладилар.

Американинг жосус самолётлари (бу самолётлар уларнинг энг яхши самолётлари бўлганлигини айтиб ўтиш керак) бизнинг осмонимизда пайдо бўлганида, улар парча-парча бўлиб ерга қулаб тушди. Айни вақтда Америка ҳарбийларининг попуги ҳам пасайтириб қўйилди. Биз бундан буён ҳам шундай бўлади, деб қатъий айтиб келдик ва айта берамиз. Халқнинг ҳикматли мақолида жуда тўғри айтилганидек, бизда «фронт жангчиси ҳам, меҳнат жангчиси ҳам олдинги сафдаги жангчидир». Бизнинг куч-қудратимизни яна синаб кўришга уринадиган кимса қилмишига яраша зарбага учрайди. «Биз, — деди ўртоқ Н. С. Хрушчев, — ҳозирги кунда кучлимиз, эртаги кунда янада кучли бўламиз ва сиз жаноблар бизнинг заифлигимиздан заҳарханда билан кулишингизга имкон берадиган пайтни кўролмайсиз!».

Ҳозирги кунда халқаро вазият шундайки, Совет Иттифоқи, барча социалистик мамлакатлар, тинчликсевар халқлар ҳаддидан ошиб кетган уруш олови ёқувчиларни тийиб қўйишга қодирдирлар.

Империалистларнинг сиёсатини фош қилиш билан бирга, тинчлик ва халқаро ҳамкорликнинг реал программасини ана шу сиёсатга қарама-қарши қўямиз.

Империализм зўр бериб қуролланишни авж олдирмоқда. Биз ёппасига ва батамом қуролсизланиш ҳозирги замондаги барча ҳаётий масалаларнинг негизи эканлигига маҳкам ишонган ҳолда, шу ҳақдаги конструктив таклифларимизни тақдим этмоқдамиз. Ўртоқ Н. С. Хрушчев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг сессиясида ва Нью-Йоркда сўзлаган бошқа нутқларида буржуа пропагандасининг Совет Иттифоқи қуролсизланиш устидан контроль ўрнатишни истамайди, деган ёлғон, сохта гапларини тамомила бебурд қилиб ташлади. «Қуролсизланишга рози бўлингиз, — деди ўртоқ Хрушчев, — ва биз ҳар қандай контролга рози бўламиз».

Ҳозирги вақтда замонавий қурол-яроғларни Ғарбий Германия реваншчилари қўлига топширишга уринмоқдалар. Ғарбий Германия реваншчилари территорияларни қўлга киритишни очиқдан-очиқ даъво қилмоқдалар, Европанинг марказида уруш таҳдиди қилмоқдалар. Биз, Бонн милитаристларини жиловлаб қўйишни талаб қилмоқдамиз, иккинчи жаҳон урушидан кейин рўй берган ҳақиқий аҳволга мувофиқ суратда ҳар иккала герман давлати билан сулҳ шартномаси тузишга даъват этмоқдамиз, Ғарбий Берлиннинг вақти ўтиб кетган оккупация статусини тугатишни қаттиқ талаб қилмоқдамиз. Ғарб давлатларининг, ниҳоят, позициямизни тушуниб олишлари ва совет халқларининг ҳамда бошқа тинчликсевар халқларнинг сабр-тоқатини синаб кўришга барҳам беришлари пайти аллақачон келган.

Биз Ғарб давлатларига халқаро муносабатлардаги низоли масалалар юзасидан давлатлар ўртасида ҳалол музокаралар олиб боришни таклиф этамиз ва бундай музокаралар халқаро кескинликни юмшатишнинг жуда оқилона йўли, деб ҳисоблаймиз. Ғарб мамлакатларининг баъзи арбоблари, жумладан, Буюк Британия бош министри Макмиллан жаноблари бундай музокараларни олиб бориш мақсадга мувофиқ эканлигини кўп марта айтган эдилар. Лекин Англия ҳукуматининг кейинги тадбирлари Макмиллан жанобларининг Англия ҳукумати халқаро кескинликни юмшатишга интилади, деган баёнотлари самимий баёнотлар эканлигига жиддий шубҳа-гумон билан қарашга бизни мажбур этади.

Макмиллан жаноблари бир неча кун аввал парламентда Англия билан АҚШ ўртасида битим тузилганлигини эълон қилди. Бу битимга мувофиқ, Америка ҳарбий-денгиз флоти катталиги жиҳатидан Англиянинг иккинчи шаҳри бўлган Глазго яқинидаги Шотландияда ракета ва ядро қуроли билан қуролланган ўз сув ости кемалари учун база олади. Американинг ракета-ядро қуроли билан таъминланган атом сув ости кемаларининг таянч пункти сифатида хизмат қилиш учун ана шу база вужудга келтирилади. Америка ҳарбий қўмондонлиги ана шу сув ости кемаларини Совет Иттифоқининг денгиз чегаралари яқинига юборишни мўлжалламоқда.

Бунда гап Америка ҳарбийларининг халқаро вазиятни янада кескинлаштиришга қаратилган ва американлик илҳомчилари ҳамда уларнинг инглиз иттифоқчилари учун жиддий оқибатларга сабаб бўладиган энг хавфли авантюра тўғрисида бораётганлиги кимга равшан эмас.

Шу нарса характерлики, Макмиллан жаноблари АҚШда бўлиб, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясида яъни қуролсизланиш тўғрисидаги масала асосий масалаларнинг бири сифатида муҳокама қилинган сессияда қатнашган вақтда ана шу базани вужудга келтириш тўғрисида музокаралар олиб борилди. Макмиллан база тўғрисидаги масалани американликлар билан муҳокама қилди. Макмиллан жаноблари етилган халқаро проблемаларни ҳал этиш учун музокаралар олиб бориш зарур эканлиги тўғрисидаги масалани эса, совет делегацияси билан муҳокама қилди. Англия ҳукумати бирданига бир-бирига тамомила зид бўлган икки йўлдан бораётир, деган таассурот пайдо бўлади.

Бу ҳаракатлар бир-бирига зид эканлиги аёндир. Англия ҳукумати сўзда кескинликни юмшатишга тарафдор бўлгани ҳолда, амалда Америка ҳарбийларининг халқаро вазиятни кескинлаштиришга, музокараларни барбод этишга ёки бу музокараларни ядро қуроли билан зўр бериб қуролланишни давом эттириш учун бир пардага айлантиришга қаратилган иғвогарлик тадбирларида актив қатнашмоқда.

Англия раҳбарларининг бундай ҳаракатлари Англияни Америка аравасига шатак қилиб янада қаттиқроқ боғлаб қўяжаги тўғрисида гапириб ҳам турмайман. АҚШнинг авантюристик кайфиятдаги генераллари ва адмираллари ана шу аравани бошқариб бормоқчи бўладилар. Бу хилдаги ҳаракатлар конфликт рўй берган тақдирда, Англиянинг ўзи учун хавф-хатарни кескин суратда кучайтиради. Американинг сув ости кемалари учун Англияда база вужудга келтириш тўғрисида Англия-Америка битими тузилганлиги ҳақидаги хабар инглиз жамоатчилигини қаттиқ ташвишга солиб қўйганлиги тасодифий эмас. Инглиз жамоатчилиги ўз мамлакатининг тақдири тўғрисида унинг раҳбарларидан кўра кўпроқ ғамхўрлик қилаётган бўлса керак.

Ўртоқлар! Ҳозирда ҳам ўн миллионларча кишиларни бўғиб келаётган мустамлакачилик қолдиқларини дарҳол тугатиш — халқларнинг тарихий тақдири учун жуда катта аҳамиятга эгадир. Ана шу шармандали бир ҳолга ортиқ тоқат қилиш мумкин эмас.

Совет ҳукуматининг мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисидаги Декларацияни қабул қилишни Бирлашган Миллатлар Ташкилотига таклиф этганлиги — замонамизнинг энг муҳим талаби, инсоният виждонининг овозидир. Империалистик давлатларнинг кўзга кўринган арбобларидан баъзилари ана шу совет таклифининг жаҳон жамоатчилигида қолдирган кучли таассуротини сусайтиришга интилиб, Декларациянинг мустамлака ва қарам мамлакатлар халқларини ўзига жазб этувчи буюк кучи аҳамиятини пасайтиришга интилиб, Декларацияда мустамлакаларда «қўзғолон қилишга ундаш»дан бошқа ҳеч нарса йўқ, деб даъво қилишга уринмоқдалар. Полициячиларга хос бундай ўлчов дунёда рўй бераётган жуда катта ўзгаришларни пайқаб олишни истамаётган ва ўз фойдаларинигина, бошқа халқларни талаш «ҳуқуқлари»нигина тан олаётган фаросатсиз ва дарғазаб кишиларгагина тўғри келади. Аммо, бундай ҳуқуқ йўқ. Бу ҳуқуқ бўлмай, балки қонунга хилоф иш кўришдирки, халқлар буни рад этмоқдалар!

Совет ҳукумати тинчликни ҳимоя қилиш тўғрисидаги таклифлари билан жуда муҳим халқаро проблемаларни тинч ҳал этиш учун кураш фронтини қўзғатиб, анча кенгайтириб юборди. Ҳозирги кунда ер юзининг ҳамма қисмидаги кишилар тинчлик, озодлик учун, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилашдан иборат муқаддас ҳуқуқи учун кураш йўлини аниқ-равшан кўриб турибдилар.

СССРнинг, барча социалистик мамлакатларнинг актив ташқи сиёсати, тинчлик тарафдорлари ҳаракатининг эришган муваффақиятлари жуда катта натижалар берди. Империалистик сиёсат чуқур кризисни бошидан кечирмоқда. Халқлар нафрат билан қараётган милитаризм ва мустамлакачилик таянчи бўлган Америка империализми маънавий-сиёсий жиҳатдан кун сайин тобора кўпроқ яккаланиб қолмоқда. Жанубий Кореяда қонхўр лисинманчилар режимининг ағдариб ташланганлиги, Туркияда американликларга очиқдан-очиқ тарафдор бўлган Баяр-Мендерес режимининг йўқ қилинганлиги, япон халқининг Америка-Япония ҳарбий иттифоқидан қаттиқ ғазабланганлиги, Африка халқлари миллий озодлик ҳаракатининг юксалиб бораётганлиги буни исбот қилади. Қаҳрамон Куба мисолидан илҳомланаётган Латин Америкаси халқларининг кураши кенгайиб бормоқда. Буларнинг ҳаммаси империализм позициялари заифлашиб бораётганлигидан, тинчлик учун, халқларнинг миллий мустақиллиги учун, социализм учун курашувчиларнинг позициялари эса, тобора мустаҳкамланаётганлигидан далолат беради.

Ўртоқлар! Буюк социалистик лагердаги мамлакатлар ва халқларнинг бирлиги, барча коммунистик ва ишчи партияларнинг бирлиги — ер юзида мустаҳкам тинчлик ўрнатиш ва меҳнаткашларнинг империалистларга қарши курашда янги муваффақиятларни қўлга киритишлари учун энг муҳим шартдир. Бизнинг партиямиз ва бизнинг халқимиз бу бирликни мустаҳкамламоқ учун куч-ғайратини аямайди.

Марксча-ленинча назария билан қуролланган коммунистлар Лениннинг «... муайян даврнинг асосий хусусиятларини билишгина у ёки бу мамлакат хусусиятларини батафсилроқ ҳисобга олиш учун база бўла олади» деган қоидасига амал қилмоқдалар. Лениннинг ана шу ажойиб кўрсатмаси халқаро коммунистик ҳаракат ҳар бир отрядининг интернационал ва миллий вазифаларини тушуниш ҳамда бир-бири билан тўғри боғлаб олиб бориш учун асосдир. Коммунистлар — ўз халқининг туб миллий манфаатлари учун ғоят изчиллик билан курашувчи кишилардир. Айни вақтда улар бутун меҳнаткаш инсониятнинг умумий манфаатлари ва мақсадларини ҳам ифода этадилар. Ижодий марксизм принципларига садоқат, ленинизмни тўғри тушуна билиш ва янги тарихий вазиятда уни тўғри татбиқ эта билиш, интернационал бирдамлик — халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг буюк кучи шундадир.

Коммунистик ва ишчи партияларнинг қардошларча жипслиги, социалистик давлатларнинг дўстлиги ва ўзаро ёрдами — социалистик лагердаги мамлакатлар енгилмаслигининг манбаи, уларнинг социализм ва коммунизм сари муваффақиятли ҳаракат қилиб боришларининг гарантиясидир.

Марксизм-ленинизмга содиқ бўлган Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бизнинг ҳукуматимиз, Ватанимизнинг меҳнаткашлари социалистик лагернинг бирлиги ва қудратини, халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг бирлигини қатъият ва изчиллик билан мустаҳкамлаб борадилар, турли социал тузумга мансуб давлатларнинг тинч-тотув яшашидан иборат ленинча сиёсатни оғишмай амалга ошира борадилар, барча халқлар дўстлигини мустаҳкамлай берадилар.

☆ ☆ ☆

Ўртоқлар! Совет кишилари ўзлари эришган барча муваффақиятлар учун, ўзларининг ажойиб истиқболлари учун Коммунистик партиянинг доно раҳбарлигидан миннатдор эканликларини яхши биладилар. Бизнинг халқимиз ўзининг жонажон партиясини севади ва Ленин айтганидек, бу партияга ишонади, бу партияни замонамизнинг ақл-идроки, шон-шарафи ва виждони деб билади.

Коммунистик партия ўз сафларининг монолит бирлиги туфайли, марксизм-ленинизмга фидокорона садоқати туфайли, ана шу буюк революцион таълимотга ижодий ёндашуви туфайли, бу таълимотнинг ревизионистлар томонидан ҳар қандай бузилишига ёки догматик қотиб қолган бир нарсага айлантириш йўлидаги уринишларга қарши шафқатсиз кураш олиб бораётганлиги туфайли ғалаба қилиб келди ва ғалаба қилади.

Партия ўзининг кўп қиррали бутун фаолиятини назарияни практика билан чамбарчас боғлаб бориш ленинча принципи асосига қурмоқда. Партия марксча-ленинча назарияни доим ривожлантирмоқда, бу назарияни тарихий вазиятга мувофиқ бўлган янги қоидалар ва янги хулосалар билан бойитмоқда. Партия назарияни моҳирлик билан равшан ва конкрет сиёсатда гавдалантирмоқда ҳамда тажрибали йўлбошчи сифатида совет жамиятини маҳорат билан коммунизм сари бошлаб бормоқда. Партия мамлакатнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётига раҳбарлик қилишнинг мураккаб масалаларини тўғри ҳал этмоқда, социалистик демократияни такомиллаштирмоқда.

Партиямизнинг омма билан маҳкам ва чамбарчас боғланганлиги, халқнинг қудратли ижодий кучларига чексиз ишонганлиги — партиямизнинг куч манбаидир. Айни вақтда совет кишилари ўзларининг жонажон партиясига чексиз ишонадилар, зўр ишонч ва дадиллик билан бу партияга эргашиб бормоқдалар, чунки улар халқ манфаатлари, меҳнат аҳлининг бахт-саодати партиянинг бирдан-бир, олий манфаати бўлиб келганлигини, ҳозирда ҳам шундай эканлигини ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолажагини ўзларининг кўп йиллик ҳаётий тажрибаларидан яхши биладилар. Партия ва халқ мақсадларининг бирлиги, иродаларининг бирлиги, ҳаракатларининг бирлиги — коммунизм ғалабаси учун курашда улуғ кучдир.

Биз буюк ва шонли асрда, Октябрь идеялари тантанаси, марксизм-ленинизм тантанаси асрида яшамоқдамиз, ишламоқдамиз, курашмоқдамиз.

Марксизм-ленинизм, Октябрь идеялари мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг ғалабаларида тантана қилмоқда.

Марксизм-ленинизм, Октябрь идеялари қудратли социалистик лагернинг енгилмас бирлигида ва мустаҳкамланиб бораётган кучида тантана қилмоқда.

Марксизм-ленинизм, Октябрь идеялари халқаро коммунистик ва ишчи ҳаракатининг муваффақиятларида, ўсиб бораётган миллий озодлик ҳаракатида, халқларнинг бутун дунёда тинчлик йўлидаги курашида тантана қилмоқда.

Яшасин коммунизм бинокори — қаҳрамон совет халқи!

Яшасин коммунистик қурилиш барча ғалабаларининг илҳомчиси ва ташкилотчиси шонли ленинчи Совет Иттифоқи Коммунистик партияси!

Яшасин халқларнинг бутун инсоният порлоқ истиқболи учун — коммунизм учун курашида мададкор бўлган Октябрнинг улуғ байроғи, марксизм-ленинизм байроғи!

(Ўртоқ Ф. Р. Козловнинг доклади гулдурос, давомли қарсаклар билан бир неча марта бўлиниб турди).

КОММУНИЗМ ҒАЛАБАСИ САРИ, ОЛҒА!

МОСКВАДАГИ СПОРТ САРОЙИДА ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

МОСКВА, 6 ноябрь. (ТАСС). Улуғ Октябрнинг 43 йиллиги арафасида В. И. Ленин номли марказий стадионнинг байрам либосини кийган спорт саройи пойтахт меҳнаткашларининг вакиллари билан лиқ тўлди. Меҳнаткашлар депутатлари Москва Совети ва КПСС шаҳар комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 43 йиллигига бағишланган тантанали мажлисида ўн мингдан кўпроқ киши қатнашди.

Соат 16. Залда қарсаклар бошланади. Қарсаклар тобора кучаяди. Президиумга А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳиддинов, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов ўртоқлар чиқадилар.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати раҳбарлари билан биргаликда президиумдан Улуғ Октябрь байрамига келган чет эл делегацияларининг бошлиқлари — Хитой Халқ Республикасининг раиси, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети раиси ўринбосари Лю Шао-ци, Албания Меҳнат партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Анвархўжа, Болгария Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Тодор Живков, Венгрия социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Янош Кадар, Вьетнам Демократик Республикасининг президенти, Вьетнам меҳнаткашлар партияси Марказий Комитетининг раиси Хо Ши Мин, Германия бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Германия Демократик Республикаси давлат кенгашининг раиси Вальтер Ульбрихт, Корея меҳнат партияси Марказий Комитети президиумининг аъзоси Ким Ир, Муғулистон Халқ-Революцион партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Юмжагийн Цеденбал, Польша бирлашган ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитетининг биринчи секретари Владислав Гомулка, Руминия ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Георге Георгиу-Деж, Чехословакия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари, Чехословакия социалистик Республикасининг президенти Антонин Новотний, Франция Коммунистик партиясининг бош секретари Морис Торез, Австрия Коммунистик партиясининг раиси Иоганн Копленинг, Буюк Британия Коммунистик партияси ижроия комитетининг бош секретари Жон Голлан, Испания Коммунистик партиясининг раиси Долорес Ибаррури, Япония Компартияси Марказий Комитетининг секретари Сатоми Хакамада, Ҳиндистон компартияси Миллий кенгашининг бош секретари Аджой Гхош ва коммунистик ҳамда ишчи партиялар бошқа делегацияларининг раҳбарлари ўрин оладилар.

Тантанали мажлисни Москва Совети ижроия комитетининг раиси Н. И. Бобровников очади.

СССР давлат гимни садолари янграйди.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги ҳақида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Ф. Р. Козлов доклад қилди.

Тантанали мажлис тамом бўлади. Совет Иттифоқи гимни ижро этилади.

Танаффусдан кейин катта байрам концерти бўлди. Бу концерт радио ва телевидение орқали эшиттирилди.

СССР Мудофаа министрининг
БУЙРУҒИ

1960 йил 7 ноябрь, № 256 Москва шаҳри.

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Бугун Совет Иттифоқи халқлари, Армия ва Флот жангчилари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллигини байрам қилмоқдалар.

Совет Ватанимиз ўзининг 44 йилига ҳаётий кучлари барқ уриб яшнаган ва ижодий ғайратга тўлиб-тошган ҳолда қадам қўймоқда. Ишчилар, деҳқонлар, зиёлиларнинг қаҳрамонона куч-ғайрати билан коммунизмнинг моддий-техника базаси вужудга келтирилмоқда. Етти йилликнинг иккинчи йили топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Саноатда, қишлоқ хўжалигида, фан ва маданият соҳасида катта ғалабаларга эришилди. Совет кишиларининг ҳаёти кундан-кунга бахтлироқ ва фаровонроқ бўлиб бормоқда.

Совет Иттифоқи ўз кучларини коммунистик жамият қуришга қаратиб, тинчлик ва халқларнинг хавфсизлиги учун фидокорона кураш олиб бормоқда, янги уруш оловини ёқувчиларни изчиллик билан ва қатъий равишда фош қилмоқда.

Министрлар Совети Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг XV сессиясида сўзлаган нутқлари, ёппасига ва батамом қуролсизланиш тўғрисида, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида, Бирлашган Миллатлар Ташкилотида Хитой Халқ Республикасининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш тўғрисида, АҚШнинг агрессив ҳаракатлари ҳақида, БМТ ижроия органларининг структурасини ўзгартириш ҳақида Совет ҳукумати номидан киритган таклифлари Совет Иттифоқининг тинчликка ва барча давлатлар ўртасида ҳамкорликка астойдил интилаётганлигини яна бир марта яққол кўрсатиб турибди.

Бироқ, СССР ва бошқа давлатларнинг тинчлик йўлидаги ҳаракатлари халқаро кескинликнинг юмшашини истамаётган ва зўр бериб қуролланиш, хатарли ҳарбий авантюралар уюштириш, мустамлака халқларини талаш сиёсатини ўтказаётган Америка империалистлари ва уларнинг шерикларининг қаттиқ қаршилигига дуч келмоқда.

Вужудга келган халқаро вазиятда совет жангчиларидан зўр ҳушёрлик ва агрессорларга муносиб зарба беришга тайёр бўлиб туриш талаб қилинади. Ҳамиша жангга доим тайёр ҳолда туриш учун қуролларни ва жанговар техникани янада кўпроқ қунт билан эгаллаш, ўз сиёсий онглилигини тинмай ошириш, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлаш керак.

Қуролли Кучларнинг шахсий составини Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги билан қутлайман. Барча солдатлар, матрослар, сержантлар, старшиналар, офицерлар, генераллар ва адмиралларга, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг ишчи ва хизматчиларига уларнинг ўз социалистик Ватанига олижаноб хизмат қилишларида янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Умумхалқ байрамини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 7 ноябрда Ватанимиз пойтахти — Москвада, иттифоқчи республикаларнинг пойтахтларида ҳамда қаҳрамон шаҳарлар: Ленинград, Сталинград, Севастополь ва Одессада тўплардан бир йўла йигирма марта ўқ узиб, салют берилсин.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги!

Яшасин улуғ совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Яшасин жонажон Совет ҳукуматимиз!

Халқимизнинг коммунизм ғалабаси учун курашдаги буюк илҳомлантирувчи ва раҳбар кучи — Ленин тузган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР Мудофаа министри,
Совет Иттифоқи маршали Р. МАЛИНОВСКИЙ

Улуғ Октябрь байрамига

МОСКВА, 5 ноябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг таклифига мувофиқ Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллигини байрам қилишда қатнашмоқ учун Хитой Халқ Республикасининг Раиси, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Раисининг ўринбосари Лю Шао-ци бошчилигидаги Хитой Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегацияси 5 ноябрда Москвага келди. Делегация составида Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси ва Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитетининг бош секретари, Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош министрининг ўринбосари Дэн-Сяопин, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Халқ вакиллари Умумхитой мажлиси Раисининг ўринбосари Пин Чжэнь, Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Ли Цзин-цюань ва бошқа кишилар бор.

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев, КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари М. А. Суслов, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико ва бошқа кишилар Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида Хитой Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясини кутиб олдилар.

Хитой Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясини кутиб олиш вақтида фахрий қоровул саф тортиб турди. Хитой Халқ Республикаси ва Совет Иттифоқининг давлат гимнлари ижро этилди. Л. И. Брежнев ва Лю Шао-ци ўртоқлар табрик нутқи сўзладилар.

* * *

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг таклифига биноан Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллигини байрам қилишда қатнашмоқ учун Венгрия Халқ Республикаси, Чехословакия Социалистик Республикаси, Польша Халқ Республикаси, Болгария Халқ Республикаси ва Румыния Халқ Республикасининг партия-ҳукумат делегациялари 5 ноябрда Москвага келдилар.

Ўртоқ Я. Кадар бошчилигидаги Венгрия Халқ Республикаси делегациясини А. Б. Аристов, Н. А. Муҳитдинов ўртоқлар ва бошқа кишилар кутиб олишди.

Чехословакия Социалистик Республикасининг делегациясига ўртоқ А. Новотний бошчилик қилмоқда. Делегацияни Л. И. Брежнев, Д. С. Полянский ўртоқлар ва бошқа кишилар кутиб олишди.

Ўртоқ В. Гомулка бошчилигидаги Польша Халқ Республикаси делегациясини Внуково аэродромида Ф. Р. Козлов, А. Н. Косигин ўртоқлар ва бошқа кишилар кутиб олишди.

Ўртоқ Т. Живков бошчилигидаги Болгария Халқ Республикаси делегациясини А. И. Микоян, Д. С. Полянский ўртоқлар ва бошқа кишилар кутиб олишди.

Румыния Халқ Республикаси делегациясига ўртоқ Г. Георгиу-Деж бошчилик қилмоқда. Румыния делегациясини Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен ўртоқлар ва бошқа кишилар кутиб олишди. (ТАСС).

ТОШКЕНТДА УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 43 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС

Навоий номидаги Ўзбекистон академик опера ва балет театри байрам либосини кийган. 6 ноябрь кечқурун бу ерда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллигига бағишланган умумшаҳар тантанали йиғилиши бўлди. Театр зали ишлаб чиқариш новаторлари, фан ва маданият арбоблари, партия, совет, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг, шунингдек маҳаллий гарнизон ҳарбий қисмларининг вакиллари билан тўлган эди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари Қ. М. Муртазоев очади. ССР Иттифоқи ва Ўзбекистон ССР давлат гимнларининг садолари янграйди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзоларидан О. А. Алимов, Г. А. Габриельянц, Р. Ғ. Ғуломов, Г. Ф. Наймушин, Е. С. Насриддинова, З. Р. Раҳимбобоева, Ш. Р. Рашидов, А. Н. Рудин, Ф. Е. Титов, И. И. Федюнинский, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидат И. П. Бурмистров, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раисининг ўринбосарларидан С. О. Азимов, Н. Ж. Худойбердиев, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раиси Ҳ. О. Маъруфов, республика министрлари, саноат корхоналарининг илғор ишчилари, кўзга кўринган олимлар, Октябрь революциясининг ветеранлари президиумдан жой оладилар.

Содиқ ленинчи, бутун дунёда тинчлик учун толмас курашчи Никита Сергеевич Хрушчев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Президиуми баланд руҳ билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги ҳақида доклад қилмоқ учун Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси **О. А. Алимов**га сўз берилади. Ўртоқ Алимов Ватанимиз шонли байрамни ўз кучлари равнақ топган бир даврда кутиб олаётганлигини таъкидлаб ўтади. Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришнинг партия XXI съезди томонидан белгилаб берилган улуғвор программаси муваффақият билан амалга оширилмоқда.

Докладчи Совет ҳокимияти йилларида мамлакатимиз босиб ўтган йўлни батафсил характерлаб, ленинча миллий сиёсатнинг тантанаси ҳақида, бу сиёсатнинг ажойиб самаралари ҳақида гапиради. Никита Сергеевич Хрушчевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг сессиясида сўзлаган нутқларида ана шу ажойиб самаралар бутун дунёга яққол кўрсатиб берилди.

Совет ҳокимияти йилларида Ўзбекистон Россия империясининг қолоқ чекка ўлкасидан мамлакатнинг йирик саноат марказига, унинг асосий пахта базасига, илғор совет фани ва маданияти ривож топган республикага айланди.

Республика меҳнаткашлари қўлга киритилган зафарлар билан қонуний равишда фахрланиб, мамлакатимиздаги ҳамма халқлар билан биргаликда етти йиллик планнинг муддатидан илгари амалга оширилиши учун фаол курашмоқдалар, мамлакатимизда коммунизм барпо этишдан иборат умумий ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Техника тараққиёти учун ҳамда ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун бошланган умумхалқ юришида меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишнинг намуналарини кўрсатаётган новаторларнинг сафлари кўпаймоқда. Республика Халқ хўжалиги кенгашига қарашли завод ва фабрикалардан 28 таси коммунистик меҳнат корхонаси деган номни олмоқ учун курашмоқда. Ўз ичига 140 мингдан кўпроқ кишини олган 8200 тадан зиёд бригада, участка ва цехлар ана шу ватанпарварлик ҳаракатида қатнашмоқда. 1700 дан зиёд коллектив ана шу юксак номни олишга ҳозирдаёқ мушарраф бўлди. Чирчиқ шаҳридаги корхоналарнинг ҳаммаси коммунистик меҳнат шаҳри номини олиш учун бошланган курашга қўшилди.

Республикадаги саноат корхоналарининг коллективлари Улуғ Октябрнинг 43 йиллигини муносиб кутиб олмоқ учун кураша бориб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ўн ойлик планини муддатидан илгари — 21 октябрда бажардилар. Ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 13 процент ортди. Капитал ишлари суръатлари анчагина ошди. Транспорт ва алоқа ходимлари катта муваффақиятларни қўлга киритдилар. Шу ўқув йилининг бошланишига келиб мактабларнинг қарийб 92 проценти бир сменалик машғулотга ўтказилди. Даволаш муассасаларидаги ўринлар миқдорини етти йилликнинг охирига мўлжалланган даражага шу йилдаёқ эришиш юзасидан республика ўз зиммасига олган мажбурият бажарилди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари ўз зиммаларига олган мажбуриятларини муваффақият билан адо этмоқдалар. Давлатга дон, гўшт, сут, пилла, жун сотиш йиллик планлари ошириб бажарилди, луб экинлари, қоракўл тери ва тухум сотиш юзасидан олинган мажбуриятлар бажарилди. Лекин бу муваффақиятлар бизни хотиржам қилиб қўймаслиги лозим.

Пахта тайёрлаш давлат планини бажариш арафасида турган Хоразм областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари байрамни меҳнат соҳасидаги ажойиб муваффақиятлар билан кутиб олмоқдалар. Бешкент, Юқори Чирчиқ, Янгиариқ, Жиззах районларининг колхоз ва совхозлари давлатга пахта сотиш планини бажардилар.

Бироқ республика пахта йиғим-терими соҳасида ўтган йилдагига нисбатан анчагина кейинда қолмоқда. Колхоз ва совхозлар байрамга қадар давлатга 2.274 минг тонна ёки йиллик планнинг 75,3 проценти миқдорида пахта сотдилар. Ҳозирги вақтда олдимизда кўндаланг бўлиб турган энг муҳим вазифа — мўл ҳосилнинг сўнгги чаноғигача териб олиб, етиштирилган «оқ олтин»нинг ҳаммасини давлатга топшириб, республиканинг ўз зиммасига олган мажбуриятларини бажарганлиги ҳақида КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумида шараф билан ҳисоб беришдан иборатдир.

Сўнгра докладчи Октябрь социалистик революциясининг жуда катта халқаро аҳамияти ҳақида гапиради. Европа ва Осиёдаги кўпгина давлатлар бугунги кунда янги ҳаёт қурилишнинг шонли йўлидан бормоқдалар.

Йиғилиш қатнашчилари докладчининг Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг ижтимоий-сиёсий системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч-тотув яшашларидан иборат ленинча буюк принципларга асосланган доно ташқи сиёсати ҳақидаги, содиқ ленинчи Никита Сергеевич Хрушчевнинг тинчлик ва халқларнинг бахт-саодатини ҳимоя қилиш йўлидаги толмас фаолияти ҳақида айтган сўзларини қарсаклар билан кутиб оладилар. БМТ Бош Ассамблеяси сессиясида ўртоқ Н. С. Хрушчев томонидан баён қилиб берилган Совет ҳукуматининг таклифлари Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг меҳнаткашлари томонидангина эмас, балки бутун жаҳон жамоатчилиги томонидан ҳам қизғин қўллаб-қувватланди ва уларнинг самимий миннатдорчилигини қозонди. БМТдаги совет делегациясининг фаолияти Совет Иттифоқининг тинчлик, қуролсизланишнинг чинакам курашчиси ҳамда мустамлакачиликни батамом тугатишнинг чинакам курашчиси сифатидаги халқаро обрўсини тағин ҳам юқори кўтарди.

Ўртоқ О. А. Алимов Улуғ Октябрнинг 43 йиллиги шарафига, мамлакатимиздаги халқлар дўстлигининг халқаси, тинчлик, демократия ва социализмнинг енгилмас таянчи — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи шарафига, Ленин бунёдга келтирган ҳамда коммунизм барпо этиш учун курашда совет халқини илҳомлантирувчи ва уюштирувчи куч бўлган шонли Совет Иттифоқи Коммунистик партияси шарафига табрик сўзлари айтганда, залда яна гулдурос қарсаклар янграйди.

Партия гимни «Интернационал» тантанавор янграйди.

Тантанали йиғилиш қатнашчилари учун катта байрам концерти берилди. (ЎзТАГ).

Москва. Суратда: Қизил майдон.

Н. Грановский ва А. Стужин фотоси, (ТАСС фотохроникаси).

Тоғлар ўлкаси театрининг гастроллари

А. П. Салаватов номли Доғистон Давлат Қумиқ музикали драма театрининг Ўзбекистондаги гастроллари зўр муваффақият билан ўтди.

Тоғлар ўлкаси санъат усталари Ўзбекистонда 15 кун бўлиб, ўн бир спектакль кўрсатдилар. Тошкент, Янгийўл, Чирчиқ меҳнаткашлари, республикадаги кўпгина колхозларнинг пахтакорлари улар ижросида, жумладан, А. П. Салаватовнинг «Айгази», Г. А. Рустамовнинг «Агар юрак истаса» ва «Дарахт тагида» пьесаларини тамоша қилдилар. СССР халқ артисти Бурият Муродова, РСФСР халқ артисти Алим Курумов, РСФСРда хизмат кўрсатган артистлардан Ҳайбат Магамедов, Тожуддин Тожиев ва бошқа артистлар ўзларининг ажойиб саҳна маҳоратлари билан тамошабинларни мафтун қилдилар.

5 ноябрда Муқимий номли театрда меҳмонлар якунловчи спектаклни кўрсатдилар. Тамошабинлар А. С. Пушкиннинг «Тош меҳмон» драмаси постановкасини қизғин кутиб олдилар.

Спектаклда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг секретарлари Ф. Е. Титов, З. Р. Раҳимбобоева, республика Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. О. Азимов, Ўзбекистон КП Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Г. Н. Нажимов, республика маданият министри С. М. Муҳамедов ҳозир бўлдилар. (ЎзТАГ)

Етти йиллик қурилишлари учун

Қайси бир районда ёки шаҳарда бўлманг, ҳамма ерда қурилиш ишлари кенг ҳажмда олиб борилаётганлигини кўрасиз. Бу эса ўз навбатида бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни тобора кўпайтиришни талаб этмоқда.

Шуни яхши тушунган Келесдаги 7-ғишт заводлари бошқармасининг коллективи ўзаро социалистик мусобақани кенг қизитиб ишлаяпти. Корхона коллективи ойлик планларни доимо ортиғи билан бажармоқда. Шу кунгача ўн ойлик пландан ташқари қарийб 2 миллион дона пишиқ ғишт, 100 мингдан кўпроқ черепица ишлаб чиқарилди.

Бундай муваффақиятларни қўлга киритишда М. Мадалиев, К. Юсупов, Л. Колесников каби ўртоқларнинг ҳиссаси катта. Бу ишлаб чиқариш илғорлари смена топшириқларини мунтазам равишда 135—150 процентга етказиб адо этмоқдалар.

А. ЭШМАТОВ.

Мусобақа илғорларига кўчма Қизил байроқ

Ўзбекистон КП Тошкент область комитети ва область ижроия комитети бу йилги ҳосилни машинада териб олиш ҳамда уни давлатга сотиш юзасидан районлар ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг 1 ноябрдан 6 ноябргача бўлган якунини кўриб чиқдилар.

Область партия комитети ва область ижроия комитетининг кўчма Қизил байроғи қуйидагиларга берилди:

Ўрта Чирчиқ районига (район партия комитетининг секретари **Ш. Исамуҳамедов**, район ижроия комитетининг раиси **О. Бердиев**, район комсомол комитетининг секретари **М. Раҳимова**, район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи **С. Едгоров** ўртоқлар). Бу район машинада пахта теришда энг юқори кўрсаткичларга эришган, давлатга пахта сотиш планини 77,45 процент, пахтани машинада териш мажбуриятини 52 процент бажарган. Ўтган беш кунликда 3,9 процент ўсишга ва 9,3 процент пахтани машинада теришга эришган. Байроқ Янгиер шаҳридан олиб берилади.

Орджоникидзе районига (район партия комитетининг секретари **Қ. Маҳкамова**, район ижроия комитетининг раиси **И. Каримов**, район комсомол комитетининг секретари **Ф. Муталов**, район қишлоқ хўжалик инспекциясининг бошлиғи **И. Деревянко** ўртоқлар). Бу район ўтган беш кунликда яхши ўсишга эришган, давлатга пахта сотиш планини 65,5 процент бажарган ва беш кун ичида 5,68 процент пахта тайёрлашга эришган. Байроқ Бекобод районидан олиб берилади.

Бекобод районидаги **2-«Далварзин» совхозига** (директори **Ғ. Қодиров**, партия ташкилотининг секретари **И. П. Ким**, ишчилар комитетининг раиси **Х. Наширов** ўртоқлар). Бу совхоз бўйича давлатга пахта сотиш плани 58,51 процент бажарилган, ўтган беш кунликда 7,20 процент пахтани машинада теришга эришган. Байроқ Пискент районидаги «Пискент» совхозидан олиб берилади.

Пахтани машинада теришда энг юқори кўрсаткичларга эришган илғор колхоз ва совхозларга сотиш учун Ўрта Чирчиқ районига 3 та юк ва битта енгил автомашина ажратилди.

Йиғим-теримда намуна кўрсатиб ишлаган илғор теримчиларни, механик-ҳайдовчиларни мукофотлаш учун Ўрта Чирчиқ ва Орджоникидзе районларига 5 минг сўмдан, 2-«Далварзин» совхозига 3 минг сўм пул ва битта енгил автомашина берилди.

Ёқубжон ШУКУРОВ.

Фотма-Зуҳралар

(ҲИКОЯ).

<>

Автобусга чиқиб келган икки қиз барчани ўзига қаратди. Баъзилар уларнинг нозик, барваста қадди-қомати, ҳусни-жамолига маҳлиё бўлса, бошқалар дид билан тикилган бир хилдаги хосиятхон нусха атлас кўйлакларига, оҳарли гилам дўппиларига ҳавас билан қарашарди.

Аслида одамлар меҳрини тортган нарса бу икки қизнинг бўйи-басти, ёки кийим-кечагигина эмас эди, уларнинг бир-бирларидан фарқ этиш қийин бўлган латиф кўринишлари эди. Икки гўзал бир-бирига ўхшашликда гўё икки томчи сув, бир анорнинг икки донаси.

Яхшики, Фотма—Зуҳраларни бир-биридан ажратиб турган икки холи бор, йўқса уларнинг ота-онаси ҳам адашиб қолармиди. Фотманинг холи юқори лабида бўлса, Зуҳраники пастки лабида. Бу икки қоп-қора хол атайлаб ясаб қўйилгандек икки қиз юзига яна бир ажиб латофат бахш этарди. Қисқаси, табиат ўз бисотидаги нафосатнинг ҳаммасини шу икки малоҳатга ҳадъя этибди, дейсиз.

Қизлар машинадан тушабошлаганида одамларнинг нигоҳи сеҳрлангандек уларга эргашиб кетди. Қизларнинг тақимига уриб турган сумбул сочлари гўё одамлар меҳрини бойлаб, олиб кетарди.

Машина ҳали кўзғолгунча йўқ эди, йигирма беш ёшлар чамасидаги баланд бўйли бир йигит қизларга пешвоз келиб сўрашди:

— Яхши бўлдими?

— Раҳмат, Даврон ака! — деди Фотма.— Лекин Зуҳраники тўрт бўлиб қолди-да.

— Шундайми?... менимча, ҳеч қиси йўқ,— деди Даврон Зуҳранинг кўнглини кўтариб.— Беш билан тўрт яқин баҳолар.

— Шунақа. Қалай ўзингизнинг ишингиз? Сизни қаёққа юборишадиган бўлишди?—деб сўради Фотма.

— Фарғонага. Ўз колхозимнинг агрономи бўлсам керак, институтда ўқиб юрганимда колхоз правлениесининг талаби шу эди.

— Жуда яхши — ота-оналарингиз яйраб қолишади, ҳар ҳолда ёлғиз ўғилсиз,— деди Зуҳра.

— Тўғри айтасизлар,— деб иккала қизга миннатдорлик билдирди Даврон.— уларнинг кўз тиккани менман.— Сизларнинг тақсимотларингиз нима бўлди?

— Билим юрти дирекциясига ариза ёзиб берган эдик. «Ота-онангизнинг кексалигини назарга олиб, биттангизни қолдирамиз, иккинчингиз районга чиқиб кетасиз» дейишяпти. Жуда бошимиз қотди,— деди Фотма хафа бўлиб. —Қўйинг, бир гап бўлар.

— Балли, бир гап бўлар. Хўш, кетдикми?

Зуҳра «сиз нима дейсиз» дегандек Фотмага қаради. Фотма жилмайиб, «кетдик бўлмаса» деди. Улар учовлашиб парк томон йўл олишди. Паркни ёш-яланг тўлдирган. Қўл шабадаси эсиб турган соя-салқин қирғоқ, йўлакларда сайр этувчилар, қайиқларда ҳузур қилиб сузиб юрувчиларнинг ҳисоби йўқ.

Даврон қизларни мороженое павильонига таклиф этди. Зуҳра «ихтиёр опамда» дегандек Фотмага қаради.

— Юринглар бўлмаса, бир оз салқинлаб чиқамиз,— деди Фотма. Уччаласи павильонга боришиб, мороженое егани ўтиришди. Орага жимлик чўкди. Давроннинг фикри-ёди кечаги таклифига қизлардан жавоб эшитиш. Таклиф шундан иборат эди: Даврон қизларни ўз юрти Фарғонага меҳмонга таклиф этганди. Унинг истаги гўзал, бамаъни. Фотма-Зуҳраларни меҳмондорчиликка олиб бориб, шу баҳонада ота-онаси билан таништириш, уларга яна ҳам яқинлашиш эди. Аслида қизларнинг тилаги ҳам худди шу эди. Яъни улар ҳар жиҳатдан тўла-тўкис бўлган кенг елкали, хуш табиат, билимдон бу йигит билан алоқани мустаҳкамлаш эди. Аммо йигит билан қизларнинг танишганига бир йилдан ошган бўлса ҳам улар ҳануз ёзилиб гаплашишмас, ўзаро муносабатлар сиполик, бир-бирларини синаш руҳида борарди. На йигит юрагини очиб кўрсатар ва на қизлар дил ўйноғини тан оларди. Севги сирлари пинҳон тутиларди.

Даврон Зуҳрани севади, аммо нега Фотмани эмас — ўзи билмайди. Ахир, опанинг сингилдан заррача камлик жойи йўқ-ку. Қайтага Фотма анча дадил, серзавқ қиз. Зуҳра бўлса негадир иккиланувчи, тортинчоқ. Шунга қарамай, Даврон Зуҳрани ёқтиради. Давронни қизларнинг қайси бири ёқтиради? Даврон билмайди. Гапнинг ростини айтганда, йигит қизларнинг ҳар иккаласига ҳам ёқади. Ёқадигина эмас, қизлар уни севиб қолишган. Лекин улар севгисини Даврондан ҳам, дугоналаридан ҳам яширишади. Ҳатто Фотма-Зуҳралар бир-бирларига билдиришмайди.

Бунинг сабаби маълум — қизлар бир-бирларини ниҳоятда ҳурматлашади. Севги сирининг яширинлиги ҳам худди шунда бўлса керак.

Ҳаммалари ўринларидан қўзғалиб, кўл қирғоғи сайрини давом эттиришди. Лекин улар гап бошлашга баҳона топишолмасди. Бирдан Зуҳранинг хаёлига «иккаласини ёлғиз қолдирай» деган фикр келди. У чап томондаги сув будкасига кўз ташлаб, «дарров келаман» деб югуриб кетди. Даврон унинг ортидан қараб туриб сўради:

— Фотмахон, бизникига боринглар йўқми дейман-а?

— Йўғ-э, нега ундай дейсиз. Ҳали боравериб зериктирармиз.

— Бош устига, қачон борасизлар?

— Яқинда. Лекин бирданига иккаламиз кетиб қолсак, чол-кампирлар зерикишиб қолиши мумкин, шу сабабли бу гал сиз билан Зуҳрахон бориб келсин.

— Майли, ҳар ҳолда Сиз каттасиз, ўзингиз биласиз, — деди Даврон. — Кўнармикинлар?

— Сиз маслаҳат берсангиз, балки кўниб қолар, — деди Фотма зўрма-зўраки. Давроннинг дили ёришиб кетди.

Шу пайт Зуҳра етиб келди.

— Жуда яхши сув экан, муздеккина, — деди Зуҳра.

— Бўлмаса мен ҳам ичиб келай, сизлар юриб туринглар, — етиб оламан.

Фотма шу гапларни айтар-айтмас югуриб кетди. У худди хавфли нарсадан қочаётгандек шу қадар қаттиқ югуриб борар эдики, қаерга оёқ ташлаётганини пайқамасди. Фотма сув будкасига етгандагина қай ҳолда келганини сезиб қолди. Аммо орқасига қайрилиб қараган юраги дов бермади. Нега шу алфозга тушди? Рашкданми, қувончданми? Ҳар ҳолда қувончдан бўлмаса керак. Фотма синглисини ҳар қанча севмасин, рашк ўтида бирдан ёниб кетганини ўзи пайқамай қолди. Аммо рашк бирдан лов этиб кўтарилди-ю, ор-номус, ақл-идрок денгизига ташланган машъалдек ўчди-қолди. «Мен ўзимни шарманда қилдим, — деб ёдидан ўтказди. Фотма орқасига қарар экан. — Наҳотки мен шунчалар енгилтак, уятсиз бўлсам! Йўқ, йўқ!..»

Фотма ёнма-ён кулишиб келаётган Даврон билан Зуҳрага тикилиб пичирлади: «кечир мени, азиз синглим! Сенинг бахтинг — менинг бахтим...» Зуҳра бу сўзларни эшитгандек ялт этиб Фотмага қаради. Фотма айбини беркитиш учун яна югуриб қайтиб келди.

— Юринглар, қайиқда сайр этамиз! — таклиф этди Даврон. Фотма синглисига қараб, «истайсизми» дегандек жилмайди.

— Юринг, кўлни айланиб чиқамиз, — деди Зуҳра.

Уччаласи қайиққа боришди. Даврон Фотманинг чап қўлидан ушлаб, беозоргина туширди. Зуҳрага келганда негадир, унинг икки билагидан ушлаб олди. Буни кўриб турган Фотма худди сирни пайқагандек қаттиқ кулиб юборди. Лекин у ўз кулгисидан истиҳола қилиб, айбини беркитмоқ учун узоқда чўмилаётган ёш болаларни кўрсатди:

— Уларнинг шўнғишини кўринглар!..

Зуҳра болаларга қараб, куладиган ҳеч нарса тополмади. Ажабланди. Опа-сингил ёнма-ён ўтиришди, Даврон қайиқни ҳайдади. Сувнинг ёқимли шабадаси юзга урилди.

— Келгуси йили Волга саёҳатига бормоқчиман, рози бўлсанглар, бирга кетамиз.

— Бу йил бора қолинг, — деди Фотма.

— Бу йил сизларни Фарғонага олиб бораман-ку, Фотмахон, Сиз бирга бормасангиз, Зуҳрахон бормоқчи эмас.

— Вой, нега? — деди Фотма синглисига ўгирилиб. — Уйдагиларни бирданига иккаламиз ташлаб кетсак бўлмас.

— Сизларни кутишяпти-я, бизникилар!

— Вой ўлмасам, ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, нега бунақа қиласиз? — деди Зуҳра чўчигандек.

— Ахир, тилхат бермасанглар ҳам ваъда бергансизлар-ку? Лабз ҳар нарсадан қимматли...

— Тўғри-ку, ўшанда кексаларни ёддан чиқариб, одобсизлик қилган эканмиз.

— Сизларнинг ота-онангиз онгли, маданий одамлар.

— Албатта-ку, ҳар ҳолда нима дейишларини билиш қийин,— деди Фотма. У «Зуҳрани юборишга рози бўлишса яхши бўларди» деган хаёлни ёдидан ўтказди. Зуҳра бўлса онасига ёлвориб бўлса ҳам Фотмани юборишни ўйлаб кўрди.

— Жавобни қаерда эшитаман, қаерда кўришамиз? — деб сўради Даврон қизлар билан хайрлашар экан.

— Яхшиси эртага соат бирларга бизникига бора қолинг! — деди Фотма. Даврон «раҳмат» айтиб, ўйланиб қолди, Зуҳра кулиб сўради:

— Нега тортинасиз, бормаган жойингиз эмас-ку.

— Ундай эмас-ку, ҳар ҳолда ўйлаб ип тутган яхши-да, — дейди Даврон. У Фотма-Зуҳраларнинг ота-онасини ҳам меҳмонга чақирмоқни ёдидан ўтказиб, табассум билан жавоб берди: —Хўп бўлади, бораман.

— Яхши, кутамиз.

Қизлар маслаҳатни бир жойга қўйиб, уйларига қайтишди. Кийимларга дазмол босаётган она шошиб ўрнидан турди.

— Кечроқ келасизлар деб ошга гуруч солмай ўтирган эдим, — деди она ошхона томон юриб.

— Ойи, ўзим қиламан овқатни,— деди Зуҳра онасини тўхтатиб.

— Яхши, сиз қилақолинг, Зуҳрахон, — деди Фотма ўз хонасига кираркан. — Менинг сал мазам қочяпти.

— Йўғ-э, чарчаган бўлсангиз керак, — деди Зуҳра ачиниб, — бироз дам олинг-чи!

Зуҳра дарров кийимини алмаштириб, ошхона томон юрди. Она бўлса чўчиб, Фотманинг орқасидан кириб борди.

— Қизгинам, нима бўлди сенга?

— Ҳеч нарса бўлгани йўқ менга, қўрқманг, ўтиринг бу ёққа!

— Сен кетадиган бўлдингми?

— Мен кетмоқчи эдим, энди фикримдан қайтдим, Зуҳрахонни юборсак дейман.

— Нечук? — ажабланиб сўради она.

— Бизнинг туғилган кунимизга келганларни эслайсизми?

— Дугоналарингнинми? Бўлмасам-чи, эслайман.

— Йигитлардан-чи?

— Ҳа, эслайман. Ҳалиги дадангг яхши кўриб қолган, бўйчан йигитни ҳам...

— Ҳа, ҳа Худди ўша йигитни эслатмоқчи эдим.

— Эсимда. Оти Даврон эди шекилли. Жуда яхши йигит девдинг-а? Нима бўпти?

— Ўша, Даврон ака Зуҳрани севиб қолибди, — деди Фотма ҳазил, кинояли оҳангда.

— Нима-нима?! Зуҳрани эмас, Фотмани дегин!

Фотма қаҳ-қаҳ уриб кулиб юборди.

— Нима фарқи бор, Фотмани севадими, Зуҳрани? Иккаласи ҳам сизнинг қизингиз — кўрар кўзингиз.

— Йўқ, мени аврама сен! Олса, сени бераман, бўлмаса —йўқ! Сен менинг катта қизимсан, — деди она жаҳл билан.

(ОХИРИ ТЎРТИНЧИ БЕТДА)

Товар обороти кенгаймоқда

Улуғ Октябрь байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун социалистик мусобақани авж олдирган Тошкент область матлубот кооперациясининг ходимлари товар обороти 10 ойлик планини анча ошириб адо этдилар. Умумий овқатланиш корхоналари бўйича белгиланган топшириқ 105,6 процент бажарилди.

Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашёни тайёрлаш ҳамда сотиб олиш планлари муваффақиятли адо этилмоқда. Тухум, жун, полиз экинлари, ҳўл мева ва бошқа бирқанча қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тайёрлаш ва ҳарид қилиш йиллик планлари анча ошириб бажарилди.

Область матлубот кооперациясининг ходимлари КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленумига муносиб тортиқлар билан келиш учун товар обороти, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва хомашёлар тайёрлаш ва харид қилиш йиллик планини муддатидан илгари бажариш бўйича янги мажбурият олдилар.

Янги мажбурият олинди

Тошкент область Совети ижроия комитетининг саноат бошқармаси корхоналари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 43 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақага қўшилиб, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш 11 ойлик планини 4 ноябрда бажардилар.

Корхоналар коллективлари қўлга киритилган бу ютуқларни янада мустаҳкамлаш учун шу кунларда астойдил меҳнат қилмоқдалар. Улар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш йиллик планини КПСС Марказий Комитетининг декабрь Пленуми очиладиган кунгача бажариш ва йил охиригача қўшимча равишда 15 миллион сўмлик турли хил кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар.

А. БИТЕЕВ.

ЛЕНИН РАЙОНИ МЕҲНАТКАШЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тошкент шаҳар Ленин районидаги саноат корхоналари, транспорт ва қурилиш ташкилотлари коллективлари Улуғ Октябрни давлат планлари ва социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида катта муваффақиятларни қўлга киритган ҳолда кутиб олдилар. Ўтган 10 ой давомида пландан ташқари 55 миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Унинг таннархини камайтириш эвазига 17 миллион сўмлик давлат маблағи тежаб қолинди. Меҳнат унумдорлигини ошириш 10 ойлик топшириғи 105,2 процент бажарилди.

Район меҳнаткашлари областимиз далаларида етиштирилган мўл «оқ олтин» ҳосилини йиғиб-териб олишда ҳам пахтакорларга баракали ёрдам беришмоқда. Шу кунгача улар кучи билан 11 минг тоннага яқин пахта териб олинди.

Район аҳолиси етти йилликнинг иккинчи йили топшириғини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани янада қизитиб юборди.

Мажбурият ҳисобига

ГУЛИСТОН. «Мирзачўл» совхозининг 2-бўлимидаги ўртоқ Тошпўлат Очилов бошлиқ бригада 29 иш кунида пахта тайёрлаш планини 105 процент бажарди. 110 гектар ердан давлатга 385 тонна ҳосил топширилди. Бригада ишчилари давлатга яна 200 тонна ҳосил топшириш учун курашмоқдалар.

А. СУЛАЙМОНОВ.

ОКТЯБРЬ ҒУНЧАЛАРИ

Ниҳоят болаларнинг энтикиб кутган куни — байрам эрталиги ҳам етиб келди. Бугун уларнинг қувончи ичига сиғмайди. Қўлларига гулдасталар кўтариб, қўғирчоқдек ясаниб олишган жажжи ўғил-қизалоқлар озода супурилган боғча ҳовлисига барвақт тўпланишди. Ичкарида, боғча залида эса тараддуд катта. Ахир, меҳмонлар ҳам борда! Эркатойларнинг ота-оналари ҳам чақирилган.

Меҳмонлар ўз ўринларини эгаллагач, болалар группаси саф тортишиб, музика садоси остида залга кириб келди. Шунда тарбиячи Нафиса Исломова:

— Қадрдон меҳмонлар, болаларим, Улуғ байрам билан табриклайман! — деди. «Ура!» садолари остида эрталик бошланиб кетди. Музикачилар «Октябрь» куйини чалиши билан болалар:

Сенинг қирқ уч йиллигингни
Бугун байрам қиламиз.
Сен туфайли дилда шодлик,
Қувнаб ўсиб куламиз,—

дея, хор бўлиб қўшиқ айта бошлашди.

Қўшиқ кетидан қўшиқ янграб кетди. Қўлларида қизил байроқчалар кўтаришган бахтиёрлар:

— Бу қизил байроқ — Ленин
байроғи,
кўтарамиз биз доим юқори,—

деб куйлашарди. Сўнгра Шуҳрат, Ҳикмат билан Малика, Муаттарлар қўлларидаги қизил ленталарини ҳилпиратишиб, юлдуз шаклини ташкил қилишади. Шўх қизлар рақсга ҳам уста экан. Айниқса Саида, Гулчеҳралар ҳам куйлаб, ҳам ўйнашади.

Ана, яна ҳаммалари бир овоздан «Ўзбекистоним», «Обод ўлкам» қўшиғини бошлашди... Сўнгра тарбиячи Ўринопа болаларга совғалар тарқатди.

Ғунчалар шоду-хуррам, ота-оналар ҳам мамнун. Улар учун ана шу шодиёна кунни муҳайё қилган Улуғ Октябрь қуёшидир. Бу бахтиёрлар эса Октябрь ғунчасидир.

Ф. УСМОНОВА,
Тошкент шаҳридаги 3-болалар боғчаси.

ЧЕВАРЛАР

Суратда: (чапдан) илғор чеварлардан Раъно Саидкамолова, Мамлакат Тўхтаева, Ҳури Султонова ва цех мастери Султон Раҳматиллаев ўртоқлар тайёр маҳсулотнинг сифатини текширмоқдалар.
М. Нуриддинов фотоси.

— Байрамга кўнгилдагидек кийимларни олди-гу, битта дўпписи етишмай турибди, Санобар, — деди Раъно ёнида кетаётган дугонасига.

— Бунинг масаласи осон. Узоққа бориб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Бадиий кашта буюмлари магазинида хоҳлаган дўппингни топишинг мумкин. Йўл-йўлакай кириб кетармиз, — жавоб берди Санобар.

Дугоналар магазинда «Ироқи», «Нозик» ва бошқа нусхадаги дўппиларни кийиб кўришди. Уларнинг ҳаммаси бир-биридан нозик бўлгани учун қизлар қайси бирини олишни билмай қолдилар. Шундай дўппиларни тиккан кишиларнинг ишига тасанно ўқидилар, охири «Ироқи» нусхали дўппидан олиб чиқиб кетишди...

Октябрь районидаги Сталин номли фабриканинг дўппи цехи ўз маҳсулотлари билан донг чиқариб келмоқда. Бу ерда тайёрланган жуда кўп нусхадаги дўппилар меҳнаткашлар, Тошкентга келган меҳмонлар ва туристлар томонидан кўплаб сотиб олинаётир.

Дўппидўзлар халқимизнинг ўсиб бораётган талабларига жавобан маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш билан бирга, унинг ассортиментини кенгайтиришга ҳам алоҳида аҳамият беришмоқда. Бундан бир-икки йил илгари икки-уч хил дўппи нусхалари тайёрланар эди. Ҳозир эса уларнинг хили ўнтага бориб қолди, сифати беқиёс яхшиланди.

Цех чеварлари тиккан дўппилар турли мамлакатларда ташкил этилаётган халқаро виставкаларда ҳам муваффақиятли намойиш қилинмоқда. Сўнгги йиллар давомида жаҳондаги ўнга яқин мамлакатда, жумладан Хитой Халқ Республикаси, Чехословакия, Ҳиндистон, Англия, Франция ва бошқа давлатлардаги виставкаларда намойиш қилинган бу дўппилар юксак баҳо олди.

Бу йил республикамизда ўзбек дўппиларининг тарихий нусхалари бўйича конкурс ўтказилган эди. Конкурсда цех коллективи ҳам ўз маҳсулоти билан иштирок этди. Чеварлар тайёрлаган «Йўрма дўзи» ва «Таг дўзи» деган қадимий нусхадаги дўппиларга биринчи мукофот берилди.

Ҳозирги вақтда цехда ҳар ойда 10 мингдан ортиқ дўппи тайёрланмоқда. Бу ерда ўз касбини пухта эгаллаган, ҳар доим сифатли маҳсулот бераётган пешқадам ишчиларнинг сафи кун сайин кенгайиб бормоқда. Ҳури Султонова, Раъно Саидкамолова, Муҳаббат Файзиева, Мамлакат Тўхтаева, Дилбар Мирзаева, Мўътабар Ғаниева, Нури Мусохонова ва бошқа ўнлаб чеварлар шулар жумласидандир. Улар смена нормасини сурункасига 130—140 процент қилиб бажаришяпти. Улуғ Октябрь байрамини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олган дўппидўзлар йил охиригача пландан ташқари 400 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилишди.

М. МИРЗАЕВ.

Мактаб индустриясининг тўнғичи

ОЛМАЛИҚ. (ЎзТАГ). Байрам арафасида Олмалиқда мактаб индустриясининг тўнғичи ишга туширилди. Ленин номли ўрта мактаб ҳузурида ташкил қилинган ўқувчилар заводи Олтинтопган қўрғошин-рух комбинати марказий ремонт-механика заводининг филиали бўлиб қолди. Оталиқ қилувчилар янги корхонада механика, дурадгорлик ва тикувчилик цехларини жиҳозлаб, бу цехларни зарур хомашё билан таъминладилар. Янги корхона маҳсулот ишлаб чиқара бошлагандан буён атиги 3 кун ўтган бўлса ҳам, биринчи заказ бажариб қўйилди. Кўпгина мебель ишлаб чиқарилди. Янги корхонага яна бир қанча янги заказлар берилди.

Ўқувчилар заводида юқори синф ўқувчиларидан 200 дан кўпроқ киши ишламоқда. Улар ҳафтадаги кунларнинг сонига қараб олти сменага бўлинган. Ҳар бир смена икки соатдан ишлайди. Бошқариш аппарати ҳам ўқувчиларнинг ўзларидан тузилди.

Шу кунларда завод директори Лида Агаршеванинг қўли-қўлига тегмайди. Корхонада ишлашни истаган ўқувчилардан тобора янгидан-янги аризалар келиб турибди. Кадрлар бўлимида улар ҳақиқий заводларда қандай ҳужжатлар берилаётган бўлса худди ўшандай ҳужжатларни тўлдирмоқдалар. Тез орада директор печать ва завод тамғасини олади.

Мактаб корхонаси ишга тушган дастлабки кунларда Тошкент область ёш техниклар станциясининг ходимлари корхона ишини кузатиб турдилар. Улар Ўзбекистон пойтахт области индустриал марказларидаги бошқа мактабларнинг ҳузурида ҳам шунга ўхшаган ўқувчилар заводини ташкил этишга қарор қилдилар.

Ёш фан доктори

Ғани Абдураҳмонов ўзбек тилшунос олимларидан бири. Унинг кўпгина илмий ишлари ҳозирги замон ўзбек тили фанини бойитиш ва тараққий эттиришга муносиб ҳисса бўлиб қўшилган. Олим ёзган «Қўшма гап синтаксиси асослари» номли катта илмий асар олий ўқув юртларида қимматли қўлланма сифатида фойдаланилмоқда.

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий советида ёш ўзбек тилшунос олими Ғани Абдураҳмонов «Ҳозирги замон ўзбек тилида қўшма гап синтаксиси асослари» деган темада докторлик диссертациясини муваффақиятли равишда ёқлади. СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси, атоқли олим, профессор А. К. Боровков бу илмий ишнинг катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлади.

Илмий совет 35 ёшли ўзбек олими Ғани Абдураҳмоновга филология фанлари доктори деган юксак илмий даража берди.

О. САЙДАМИНОВ.

Янги маданият саройларида байрам кечалари

Ўзбекистон металлургия заводининг коллективи яхши совға олди. Металлурглар ўзларининг байрам кечаларини яқиндагина қурилиб бўлган янги маданият саройида ўтказдилар. Бу ҳашаматли бино 32 хонадан иборат. Шу хоналардан йигирматадан кўпроғи бадиий ҳаваскорлик коллективларининг машғулотлари учун ажратиб берилган. Тўрт хонада кутубхона ва қироатхона жойлаштирилди. Энг яхши хоналардан бештаси болалар клуби учун берилди.

«Ташкенткабель» заводининг ишчи ва хизматчилари ҳам Улуғ Октябрнинг 43 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишларини байрам арафасида барпо этилган ҳашаматли бинода ўтказдилар. Мирзачўлдаги «Дружба» совхозида, Қуйи Чирчиқ районидаги 2-боғдорчилик-виночилик совхозида, Мирзачўл паррандачилик совхозида ҳам янги клублар очилди.

(ЎзТАГ).

ХАЛҚАРО АҲВОЛ

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XV СЕССИЯСИ
Сиёсий комитетда

НЬЮ-ЙОРК, 5 ноябрь. (ТАСС) Бош Ассамблея Сиёсий комитетининг 4 ноябрдаги эрталабки мажлисида қуролсизланиш билан боғлиқ бўлган масалаларни муҳокама қилиш давом эттирилди.

Дания делегати Кристиансен Ғарб давлатларининг позициясини яхши қилиб кўрсатишга интилиб, қуролланиш устидан контроль қилиш ҳақида АҚШ ва Англия делегациялари томонидан қилинган таклифнинг қуролсизланиш устидан контроль қилиш ҳақида Совет Иттифоқи томонидан қилинган таклифдан фарқи йўқ, деб исботлашга уринди. Кристиансен Хитой Халқ Республикасининг иштирокидан бошқа қуролсизланишга эришиш мумкин эмас деб эътироф қилди.

Сўнгра сўзга чиққан Саудия Арабистонининг делегати Шукейри Англия вакили ядро урушининг муқаррарлигини кўрсатиб ўтганлигини эслатиб ўтди. Ана шу мантиққа амал қилинганда, деди у, биз у ёки бу резолюцияни қабул қилишнинг нима лозими бор, деб сўрашимиз лозим. Зўр бериб қуролланишни тўхтатмоқ ва қуролсизланишни бошламоқ керак, деб таъкидлаб ўтди, Шукейри.

Венесуэла делегатининг сўзидан кейин комитет 7 ноябргача танаффус эълон қилади.

ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛДА СОВЕТ КИНЕМАТОГРАФИЯСИНИНГ ҒАЛАБАСИ

НЬЮ-ЙОРК, 5 ноябрь. (ТАСС). «Кингслей интернейшнл пикчурс корпорейшн» компанияси кеча бу ерда «Солдат ҳақида қисса» номли совет кинофильмининг кўригини уюштирди. Бу фильм Сан-Францискода ўтказилган халқаро кинофестивалда «Олтин дарвоза» дейилган биринчи мукофотни олишга сазовор бўлди.

Жуда кўп меҳмонлар — матбуот вакиллари, Американинг таниқли санъат арбоблари кўрикдан кейин ўтказилган қабул маросимида совет кинематографиясининг ана шу катта асарини қизгин табрикладилар. Улар фильмнинг режиссёри Григорий Чухрайни ва бош ролларни ижро этган артистлардан Владимир Иванов ва Жанна Прохоренкони зўр ижодий муваффақият билан қутладилар.

Биз жонажон санъатимизнинг янги ғалабаси билан фахрланамиз, деди совет кинематография арбоблари делегациясининг бошлиғи А. В. Караганов ТАСС мухбирлари билан суҳбатда. Сан-Францискода 19 мамлакат иштирокида ўтказилган кинофестиваль жюриси, деди у, «Солдат ҳақида қисса» фильмини шу йил чиқарилган тўла метражли энг яхши бадиий кинофильм, деб якдиллик билан эътироф этиб, бу фильмга ва унинг режиссёри Чухрайга фестивалнинг «Олтин дарвоза» олий мукофотини беришга қарор қилди.

Биз ўз фильмимизда, деди Чухрай, ер юзидаги энг қимматбаҳо нарсани, яъни инсон ҳаётини нобуд қиладиган урушга нисбатан нафрат туйғуларини туғдиришни истаган эдик.

«Солдат ҳақида қисса» кинофильми ноябрь ойининг охирларида Нью-Йорк, Лос-Анжелос ва Сан-Франциско кинотеатрларида кўрсатилади.

ВЬЕТНАМ ХАЛҚИ УЛУҒ ОКТЯБРЬ БАЙРАМИНИ НИШОНЛАМОҚДА

ХАНОЙ. 5 ноябрь. (ТАСС). Шу кунларда бутун Вьетнам халқи сингари Ханой меҳнаткашлари ҳам Улуғ Октябрнинг 43 йиллигини нишонлашга ҳозирлик кўрмоқдалар. Корхоналарда, муассасаларда, кооперативларда ва ўқув юртларида 1917 йил воқеаларига, СССРда коммунизм қурилишига, совет халқининг ҳаётига бағишланган суҳбатлар ва лекциялар ўтказилмоқда.

Газета ва журналлар босиб чиқарган мақолаларда Совет ҳокимияти йиллари мобайнида экономика, маданият ва санъатнинг ҳамма соҳаларида совет халқи қўлга киритган ғоят катта муваффақиятлар ҳақида ҳикоя қилинмоқда. Магазинларнинг витриналарида ҳамда парк ва боғларнинг аллеяларида биринчи социалистик мамлакатнинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида ҳикоя қилувчи фотостендлар ўрнатилган.

Бинолардаги ва шаҳар бўйлаб қатнаб юрган машиналардаги каттакон эълонлар байрам арафасида совет фильмлари фестивали очилиши ва Вьетнам меҳнаткашлари ҳузурига меҳмон бўлиб келган совет артистларининг концертлари ҳақида хабар бермоқда. Радио карнайларидан бутун шаҳар бўйлаб СССР халқлари қўшиқларининг таниш оҳанглари эшитилиб турибди.

Телевизор экранида

7 НОЯБРДА

10.00. Ленин номли майдондан парад ва меҳнаткашларнинг намойиши олиб кўрсатилади.
14.30. «Дала бетиними», «Олтин пат» — мультипликацион фильмлар.
15.00. Островский номидаги пионерлар саройи бадиий ҳаваскорларининг концерти.
15.30. «Океандан кучли» деган эшиттириш.
16.20. Рақс куйлари.
18.30 Ватан ва партия ҳақидаги қўшиқлар.
19.00 «Хитой цирки».
20.00. СССР халқларининг қўшиқ ва рақслари.
20.40. Катта байрам концерти. (Концертнинг биринчи бўлими ўзбек тилида, иккинчи бўлими эса соат 21.40 да рус тилида кўрсатилади).

8 НОЯБРДА

12.00. «Қўғирчоқ доктор ҳузурида», «Туғилган кунга аталган совға» — болалар учун кинофильмлар.
12.30. «Меҳмонларимиз концерти», Самарқанд пионерлар уйи ҳузуридаги «Костер» ашула ва рақс ансамблининг чиқиши.
13.30. «Ботқоқликдаги уйча» — телевизион фильм.
18.30. «Ёғоч қиз» — мультипликацион фильм.
18.50. «Антон Иванович аччиғланади» — бадиий фильм.
20.20. С. В. Рахманинов, В. Клиберн ижросида оркестр билан чалинадиган фортепиано учун учинчи концерт.
20.50. Тожик куйларидан концерт.
21.20. Эстрада концерти.

9 НОЯБРДА

19.00. «Почтальон ҳақида эртак» — телевизион фильм.
20.00. Сўнгги ахборот
20.20. «Ёғоч конвейери» — ўзбек тилида киноочерк
20.30 «Ёмғирда ҳам, офтобда ҳам» — киноповесть.

Редактор З. И. ЕСЕНБОЕВ.

ТОШКЕНТНИНГ ТОМОША ЗАЛЛАРИДА

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 9/XI да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/XI кундуз соат 12 ва 3 да **Имон**, кеч 8 да **Тоға-жиянлар**, 8/XI кундуз соат 12 ва 4 да **Тоға-жиянлар**, кеч 8 да **Имон**, 9/XI да **Йўлчи юлдуз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 7/XI кундуз соат 12 да **Ошиқ Ғариб**, кундуз 4 да **Байрам концерти**, кеч 8 да **Ватан ишқи**, 8/XI кундуз соат 12 да **Ватан ишқи**, кундуз 4 да **Байрам концерти**, кеч 8 да **Раис уйланармиш**, 9/XI да **Ошиқ Ғариб.**

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА — 7 ва 8/XI кундуз соат 3 ва кеч 8 яримда **Катта байрам концертлари.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 7, 8/XI да **Катта байрам томошалари.** Улуғ Октябрь 43 йиллигига бағишланган **парад-пролог.** Циркнинг ҳамма артистлари қатнашади. Томошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

«ВАТАН» — 7, 8, 9/XI да кундуз ва кечқурун **Аср тенгдоши.**

«МИР» — 7/XI эрталаб соат 10 да **Митти бола**, кундуз 12 да **Ленин 1918 йилда.** 8/XI эрталаб 10 ва кундуз 12 да, 9/XI эрталаб 10 да **Митти бола**, 7, 8, 9/XI да кундуз ва кечқурун **Аср тенгдоши.**

СОБИР РАҲИМОВ номли — 7, 8/XI эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да **Митти бола**, кундуз 2, 4, кеч 8 ва 10 да **Ҳаёт йўли**, кеч 6 да **Турналар учади**, 9/XI да кундуз ва кечқурун **Беозор**, кеч 6 да **Маҳаллада дув-дув гап.**

НАВОИЙ номли — эрталаб соат 10, 11-40 минут, кундуз 1 ярим ва кеч 6-50 минутда **Митти бола**, кундуз 3-20 минут ва кеч 5 да **Ленин йўлланмаси билан** (ўзбек тилида), кеч 8-40 ва 10-20 минутда **Синов муддати.**

«ИСКРА» — 7, 8/XI кеч соат 10 ярим ва 11 да, 9/XI да кундуз ва кечқурун **Синов муддати**, 7, 8/XI да кундуз ва кечқурун **Уйга...**

«ЁШ ГВАРДИЯ» 7, 8, 9/XI да кеч соат 5 гача **Митти бола**, кеч 5 дан **Ҳаёт йўли.**

«КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» 7, 8, 9/XI эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва кеч 6 да **Митти бола**, 7, 8/XI кундуз 4 да **Ленин ҳақида ҳикоялар**, 7, 8, 9/XI кеч 8 ва 10 да **Синов муддати.**

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА
7 ноябрь кундуз соат 2 ва кеч 8 да,
8 ноябрь кеч соат 8 да
КАТТА БАЙРАМ
концертлари
Билетлар сотилмоқда.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА
7 ноябрда кечқурун,
8 ноябрда кундуз ва кечқурун
КАТТА БАЙРАМ
КОНЦЕРТЛАРИ
Кундузги концерт соат 1 да, кечки концертлар 8 ярымда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

КОММУНИСТЧАСИГА ИШЛАБ, КОММУНИСТЧАСИГА ЯШАЁТГАНЛАР

КАССИРСИЗ...

Смена тамом бўлди. Куни бўйи завқ-шавқ билан меҳнат қилган касбдошлар бугунги юқори иш натижалари билан бир-бирларини табриклашди. Турсунбой одатдагидек ўз станогини меҳр билан артиб тозалар экан, Азимжон ундан сўради:

— Виродар, кассир келмадими?

Ҳа, айтгандай, бугун маош бериладиган кун. Турсунбой боя цех бошлиғи Соибвой аканинг кабинетига кирганида ажойиб бир воқеанинг устидан чиқди: стол устида даста-даста пул ва унинг ёнида ведомость ётарди. Атрофдагиларнинг ҳаммасини бирма-бир кўздан кечирди, лекин кассир йўқ эди. Ишчилар ведомостга имзо чекиб, унда кўрсатилган пул миқдорини ўзлари бирма-бир санаб олишарди. Билсаки, коммунистчасига ишлаб, коммунистчасига яшашга аҳд қилган касбдошлари яна бир янгиликни жорий этишибди. Шунда Турсунбой маошни ҳали Азимжон билан бирга оларман, деган хаёл билан келаверган эди. Ишга берилиб кетганиданми ёки бошқа сабабданми, ҳар ҳолда, буни дўстига айтишни унутган экан.

— Бундан буён кассир бўлмайди, ўртоқ, — деди у Азимжонга.

— Нимага, — ажабланиб сўради касбдоши.

— Энди маошни ўзимиз кассирсиз олаверамиз. Коллективимиз шунга қарор қилибди, — Турсунбой ўртоғига боя цех бошлиғининг кабинетида кўрганларини гапириб берди.

Сталин номли Тошкент тўқимачилик комбинати 1-тўқув фабрикасида коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган ўртоқ М. Дементьев бошлиқ токарь ва слесарлар бригадасида маош кассирсиз тарқатилмоқда.

Корхонада коммунизм байроқдорларининг сафи тобора кенгаймоқда. Ҳозир комбинатда 129 бригада, 8 смена, 6 цех, 1 фабрика ва завод коллективлари ҳамда 447 ишчи коммунистик меҳнат коллективи ва зарбдорлари номини олиш учун курашмоқда.

М. АБДУРАИМОВ.

Суратда: (чапдан) коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган бригада аъзоларидан Турсунбой Шайхисломов ва Азимжон Хошимжонов ўртоқлар ўзлари маош олмоқдалар.
Н. Калугин фотоси.

(БОШИ УЧИНЧИ БЕТДА).

Фотма-Зуҳралар

— Қанча катта? Йиллар эмас, ойлар эмас, атиги минутлар катта! Фарқимиз фақат минутлар ораси. Ахир, мен қариб қолаётганим йўқ-ку, ойи!

Шу дам дераза ёнидан ўтаётган Зуҳра уйдаги жиддий гапларни эшитиб тўхтади, ўзини четга олиб, қулоқ солди. Она сўзида давом этди:

— Гап унда эмас, қизим! Опаси қолиб синглиси чиқса, эл олдида уят бўлади, уят!

— Ие, нимаси уят! Эскича — бемаза гапларни гапирманг! Суймаганга суйкаб берармидингиз, мени? Даврон ака мени олишга рози бўлганда ҳам тегмайман, билиб қўйинг! Икки ўртада яхши одамдан ажраймиз, Зуҳрани бахтсиз қиламиз. Йўқ, йўқ, ойи! Бундай бўлиши мумкинмас!

Зуҳра ҳаяжон билан кўзига ёш олди. Ҳозир унинг назарида Фотма шу қадар азиз, шу қадар бебаҳо бўлиб кўриндики, «жоним сенга қурбон бўлсин» дейишга Зуҳра тайёр эди. Бундай дейишнинг сира иложи йўқ. Зуҳра ўзини босолмай ошхона томонга кетди.

Уйда она-бола чуқур ўйга чўмди. Она Фотманинг гапларини ганасига сингдира бошлади.

— Зуҳра нима деркин, биладими у? — деб сўради она.

— Сезса керак. У нима дерди — сизнинг гапингизни дейди-да.

— Тўғри, шуни дейди, — деб тасдиқлади она. — Кўнмаса нима қиламиз? Бу ёқда аданглар нима деркин?

— Ҳозирча адамларга билдирманг! Зуҳрага ҳам ҳеч нима деманг. Зуҳрани Фарғонага ишга юборайлик, ўша ёқда Даврон ака билан дурустроқ синашта бўлади, оиласи билан танишади, кейин бир гап бўлар. Даврон ака унга ғамхўрлик қилади.

— Майли, сенингча бўлсин! — деди она ниҳоят.

— Раҳмат, ойижоним, раҳмат!

Уйга ота кириб келиши билан она-бола жим бўлишди.

* * *

Фотма-Зуҳралар Давроннинг келишига катта тайёргарлик кўришди. Фотма тонгда туриб хамир қорди. Зуҳра қийма чиқарди. Она варақига хамир ёйди. Баланд ишком остидаги чорпояга атлас якандозлар тўшалиб, жой қилинди. Катта хонтахта ноз-неъматга тўлатилди. Шундан кейин барчанинг кўзи кўчада бўлди. Аммо Даврон ҳа деганда келавермади. Соат бир ярим, икки бўлди, Даврондан дарак йўқ. Уйдагиларни ташвиш босди.

Соат уч бўлди. Бирдан дарвоза тақиллаб қолди. Фотма «ҳозир» деб югуриб кўчага чиқди. Зуҳра бўлса кўз ёшларини артиб, деразадан бетоқатлик билан кузатиб турди.

Фотма кўчадан Даврон билан баланд бўйи, юмалоқ юз, қалин қош — нотаниш бир йигитни бошлаб кирди. Ҳаммалари меҳмонлар билан кўришишди. Даврон уйдагиларни ўртоғи Шодмон билан таништириб, кечирим сўради.

— Шодмон ҳозиргина Москвадан келди. Уни кутгани чиқиб, сизларга ёлғончи бўлдим — самолёт кечикиб келди.

— Зарарсиз, қани чорпояга чиқинглар, — деди ота.

Даврон билан Шодмон отанинг шундоқ Фотма-Зуҳраларга ўхшаб турган оқ мағиз, нуроний кўринишини мароқ билан зимдан кузатишди. Айниқса Шодмон ота билан Фотмадан кўз узолмай қолди. Бунинг сабаби ота-боланинг бирбирига ўхшашлигигина эмас эди. Шодмонни мафтун этган нарса Фотманинг фазилатларга тўлиб тошиб турган кўриниши эди. Шодмоннинг самолётдан тушибоқ тўппа-тўғри Фотмаларникига келишининг сабаби ҳам шунда эди.

Шодмон Давроннинг ҳамқишлоғи, мактабдош дўсти, амакиваччаси. Ўнинчи синфни тугатгандан кейин Даврон пахтачиликни ўрганиш учун илғор звенога аъзо бўлиб ишлай бошлади. Шодмон бўлса геолог бўлишни орзу қилиб, разведкага жўнади. Бир йил тоғутошни кезгандан кейин Ленинградга бориб, институтга кирди. Ҳадемай билим ва аҳлоқда, меҳнат ва ташкилотчиликда яхши сифатларга эга бўлган Шодмон институт аспирантурасида олиб қолинди.

Икки дўстнинг эндиги тилаги уйланиш эди. Икки дўст ёшликда қандай сирдош бўлсалар, уйланиш ҳақида ҳам шундай маслаҳатда бўлдилар. Даврон бир галги хатида Фотма-Зуҳралар ҳақида ҳикоя қилиб, уларни кўкларга кўтарган эди. Фотма-Зуҳраларга ғойибона ошиқ бўлган Шодмон босартурарини билмай, муддатидан олдин отпуска олиб, учиб келди.

— Қани, меҳмонлар, марҳамат, олинглар! —деб таклиф этди ота. Кейин у ичкари томонга қараб хотинини чақирди, — Маҳбуба, келинглар!

— Хўп бўлади, ҳозир! — деди Маҳбуба уйда туриб. У дарпарда орасидан меҳмонларни кузатаётган қизларига ўгирилиб сўради: — Давроннинг ўртоғи бунча кўҳлик йигит экан. Москвадан келибдими?

— Ҳа Москвадан, Даврон аканинг ҳамқишлоғи бўлса керак, — деб жавоб берди Фотма. — Хў бирда суратини кўрсатган эди, эсингдами, Зуҳра?

— Эсимда. Суратда бунчалик эмас эди-ку.

— Баъзи одам суратга яхши тушмайди, — деди Фотма.

— Хў, хоним, чиқмайдиларми? — деб чақирди яна ота.

— Мана, ҳозир! — деди она. У қизларига ўгирилиб тайинлади: — Сизлар чиқмай қўяқолинглар.

— Йўғ-э, биз нима қиламиз, — деди Фотма. — Уяласан кишин.

Она меҳмонларнинг ёнига чиқиб борди. Йигитлар онани ўринларидан туриб, иззат-икромлар билан кутиб олишди.

— Сизнинг ҳам ота-онангиз ҳаётмилар? — деб сўради ота Шодмондан.

— Шукур, барҳаёт.

— Ишлайдиларми ёки биздақа чиқитга чиқишганми? — деб ҳазиллашди ота.

— Йўғ-э, ундай деманг, сизлардек тажрибали ўқитувчиларнинг маслаҳатлари мактаб учун қимматли бўлса керак.

— Раҳмат, буни қаёқдан биласиз? — ажабланиб сўради ота.

— Ҳа, Давронбойдан эшитган эдим. Бизнинг оқсоқол колхознинг кекса сувчиси, ўзи яхши боғбон. Давронбойнинг отаси билан боғ яратгани-яратган.

— Ҳа, боғнинг ҳикмати катта.

— Фотмахон, чойинг дам егандир, — деди она.

Фотма гул-гул ёниб, қизариб-бўзариб чой кўтариб келди. У ҳеч кимга қарамай, «хуш келибсизлар» деб, чойнакни онасига узатди. Кетишда унинг енгидан сал тортиб қўйди. Она чойни эрининг ёнига суриб, ўрнидан турди. Шодмон атрофни кузатган кишидек Фотма келаётганда ҳам, кетаётганда ҳам унга роса қараб олди.

— Ота, — деди Даврон отага қўл чўзиб, — чойнакни бизга беринг.

— Зарарсиз, ўғлим!

— Йўғ-э, беринг бизга! — деди Шодмон. — ёшлар турганда сизнинг қуйишингиз тўғримас.

Ота кулиб, чойнакни негадир, Давронга узатди. Даврон хурсанд бўлди. Кўп ўтмай, ота ўрнидан туриб, уйга кириб кетди. Шодмон худди шуни кутиб тургандек Даврон томон эгилиб, қувонч билан деди:

— Айтганингдан ўн чандон зўр-ку, Даврон! Чой олиб келган Фотмами, Зуҳрами?

— Фотма, секинроқ, ўпкангни бос! — деди Даврон пичирлаб. Шу пайт бир лаган узум олиб келаётган Зуҳра кўринди.

— Оҳ, паришта яна келяпти! — деб юборди Шодмон.

— Жим-э! — деб жеркиди Даврон.

Зуҳра ҳам Фотманинг гапини такрорлаб, «хуш келибсизлар, яхши ўтирибсизларми?» деб, узумни Давронга узатди. Даврон лаганни тушириб юбораётгандек ҳазил қилиб олди. «Вой, уят бўлади» деган маънода Шодмонга кўрсатмай лабини тишлаб, қовоғини солиб, ноз қилиб кетди.

— Бунча ҳам гўзал бу қиз-а! деб юборди Шодмон.

— Қайси қиз? — деб сўради Даврон.

— Фотмахонни айтаяпман-да.

— Балли-э, бу Зуҳрахон-ку!

— Шундайми? Кечир, дўстим, билмагандан кейин... Бу дейман, уларнинг ҳеч қанақа фарқи йўқ-ку!

— Бор, кейинчароқ билиб қоларсан. Демак, Фотмахон ёқдими сенга? — деб сўради Даврон.

— Ёққанда қандоқ, минг раҳмат сенга! Энди ҳамма гап бизнинг ёқишимизда қолди...

Шу пайт ошхонада жаз-жуз бошланиб кетди. Уйдан ота чиқиб келди.

— Бунча овора бўлишларингизни билсак, келмас эдик, — деди Даврон. — Айтинг, ҳеч нарсанинг кераги йўқ, биз ҳозир кетамиз.

— Ие, келишдан кетиш тез? — деб сўради ота.

— Мен эртага Фарғонага жўнамоқчи эдим. Агар илтимосни қабул қилсанглар, ҳаммаларингни бирга олиб кетмоқчи эдим. Пенсияга чиққандан буён зерикиб қолган бўлсангиз керак.

— Қабул қилинг, ота. — деди Шодмон ҳам гапга қўшилиб. — Мен ҳам илтимос қиламан. Қизларни ишга жойлаб, дам олиб келасизлар!

Ота кулди.

— Қабул этинг, ота! — деб такрорлади Даврон.

— Майли, бир ўйлашиб кўрайлик бўлмаса.

— Раҳмат!

— Яшанг!

* * *

Фотма-Зуҳраларнинг ҳовлиси шодликка тўлди. Фарғонага меҳмонга кетаётгани учунми, ёки оиланинг орзуси рўёбга чиққаниданми — ҳар нечук дилларда қувонч, юзларда табассум барқ урради. Айниқса Фотма-Зуҳраларнинг севинчи ер-кўкка сиғмайди. Бундай хурсандликни оила умрида кўрмаган деса бўлади.

Қани энди ҳаммага ҳам ана шундай бахт ёр бўлса...

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси.
Р. 10685. Нашр. А. 1911.